O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 12-sentabr, chorshanba ✱ № 39 (791) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

Юртимизнинг экологик ноқулай ҳудудларида, ўзига хос иқлим шароитида ҚТЭМни қўллаш порлоқ истиқболга эга, бу эса юқори экологик, ижтимоий, иқтисодий самара бериши турган гап. Айниқса, юртимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун ниҳоятда қулай шароит мавжуд. Биргина қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 50973 миллион тонна нефть эквивалентига тенг.



➪ 3-бет

«ТАФАККУР» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Мамлакатимиздаги нуфузли нашрлардан бўлган "Тафаккур" журналининг ҳар бир сони муштарийлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинади.

Журналнинг Мустақиллик байрами арафасида нашрдан чиққан 3-сони ҳам мавзу мундарижасининг кенг ва рангбаранглиги, таҳлил ва фикр-мулоҳазаларга бой материаллари билан алоҳида эътиборни тортади.

4-бет

БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ САМАРАСИ ЧЕКСИЗ

Болалар кўзимизнинг нури, қалбимизнинг қўри, ҳаётимиз давомчиларидир. Шу боис, ҳар бир ота-она фарзандини ҳам руҳан, ҳам жисман тетик, баркамол кўришни истайди ва бунинг учун нимаики лозим бўлса, барини муҳайё қилишга интилади.

➪ 7-бет

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 11 сентябрь куни Оқсаройда Қирғиз Республикаси, Туркманистон, Руминия ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги янги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Эмилбек Узакбаев, Шири Шириев, Ромео Станчу ва Жорж Эдгар ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини қутлар экан, Ўзбекистон мазкур мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим эътибор беришини таъкидлади, масъулиятли ва шарафли миссиясини бажаришда элчиларга муваффақиятлар тилади.

Қирғизистон элчиси билан суҳбат чоғида бугунги кунда икки давлат ўртасидаги муносабатлар халқларимизнинг ҳамкорликдаги кўп асрлик дўстлик тажрибаси, тарихий ва маданий муштараклиги пойдеворига қурилиши ва ривожланиши мумкин ва зарур экани таъкидланди.

Қирғизистон элчиси Ўзбекистон — Қирғизистон алоқаларини ўзаро ҳурмат асосида конструктив ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзининг асосий вазифаси деб билишини қайд этди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тақдири умумий тарих ва маданият орқали чамбарчас боғланган. Ўзбекистонда Туркманистонга ҳамкорликнинг барча йўналишлари фаол мустаҳкамланиб бораётган яқин қўшни ва ишончли ҳамкор сифатида қаралади.

Мунтазам равишдаги олий даражадаги мулоқотлар давлатлараро алоқаларнинг изчил ривожи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиб, транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик кенгаймоқда, икки мамлакат халқлари ўртасида маданий-гуманитар алоқалар фаоллашмоқда.

Элчи Шири Шириев бор куч-ғайрати ва дипломатик тажрибасини икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада равнақ топтиришга, давлатлараро битимлар ва эришилган келишувларни амалиётга татбиқ этишга йўналтиришини таъкидлади.

Ўзбекистонда Руминияга Жануби-Шарқий Европадаги муҳим ва истиқболли ҳамкорлардан бири сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йилда Руминияга ташрифи чоғида икки томонлама муносабатларга мустаҳкам пойдевор қўйилиб, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинган.

Учрашувда томонларни қизиқтирган барча йўналишларда Ўзбекистон — Руминия алоқаларига янги суръат бағишлаш, ҳамкорликнинг икки томонлама институт ва механизмлари ишини фаоллаштириш, икки мамлакат ишбилармон доираларининг мулоқоти ва қўшма лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида манфаатлар муштарак экани қайд этилди.

Элчи Ромео Станчу Ўзбекистондаги миссиясини мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий алоқаларни янада кенгайтириш учун имконият деб билишини таъкидлади. Унинг фикрича, бугунги кунда бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон-Буюк Британия мулоқотининг асосини ўзаро англашув, конструктив ёндашувлар, замонавий таҳдидларни теран идрок этиш ташкил қилади.

Суҳбат чоғида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан сиёсат ва хавфсизлик борасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда, мамлакатларимизнинг фуқаролик жамияти вакиллари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш учун зарур шарт-шароит яратилгани таъкидланди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Жорж Эдгар Буюк Британия раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларни узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли асосда изчил ривожлантириш тарафдори эканини қайд этиб, ўзи ушбу вазифани бажариш учун бор куч-ғайратини сарфлашга тайёрлигини билдирди.

ЎзА

► СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА БАРҚАРОР ДАРОМАДНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДИР

Мамлакатимизда 12-14 сентябрь кунлари «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади. Мазкур нуфузли анжуманда ўнлаб мамлакатлардан икки юздан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари анжуман қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Налини ТАВЕСИН хоним, Таиланд бош вазирининг ўринбосари:

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бераётгани бугун бутун дунё томонидан кенг эътироф этилган. Ўзбекистоннинг жадал иқтисодий юксалишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг алоҳида ўрни бор. Таиландда ҳам ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади. Бу соҳалар мамлакат тараққиётининг муҳим тармоқларидан ҳисоблангани боис Таиландда ҳам кичик бизнес билан шуғулланадиган корхоналар сонини кўпайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гўзал заминда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт, фаровонлик, тинчлик ва барқарорликка ҳавасим келди. Келгусида мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Тиаго Мело ПАТРИСИО, "Monte Adriano" компанияси директорлар кенгашининг аъзоси (Португалия):

— Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш, энг қулай бизнес муҳитини яратиш, соҳа вакилларига имтиёз ва енгилликлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига амин бўлдим. Халқаро ташкилотлар ва йирик молия институтлари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга юксак баҳо берилганидан хабарим бор. Мамлакатингизда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ютуқлар эътирофга лойиқ. Шу боис биз ҳам Ўзбекистон бозори билан янада яқинроқ танишиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, бунёдкорлик ишлари самараси йўлсозлик соҳасида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Айтиш жоизки, текис ва равон йўллар нафақат мамлакат кўрки, балки иқтисодий тараққиётнинг ҳам асосий омил ва мезонларидандир.

Ўзбекистон билан Португалия ўртасида хусусий тадбиркорлик соҳасида ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари катта. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан музокаралар ўтказдик.

Дуглас ГРАЙМС, "Mir" сайёҳлик корпорацияси президенти (АҚШ):

— Сайёҳлик мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан. Жаҳон сайёҳлик бозорида нуфузи тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонни кўришга ҳавасмандлар тобора кўпаймоқда. Улар орасида америкалик сайёҳлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётир. Мамлакатингизда қад ростлаётган замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати тубдан яхшиланаётгани, сайёҳлик соҳасида хусусий сектор улушини янада кўпайтириш, соҳага жалб этилаётган чет эл сармоялари ҳажмини оширишга қаратилаётган эътибор диққатга сазовор.

Компаниямиз сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон компаниялари билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлар, уларнинг бетакрор меъморий обидалари, гўзал табиати ҳар қандай сайёҳ эътиборини жалб этади. АҚШда ҳам юртингиз маданияти ва санъати, тарихи ва бугунги куни билан танишишга қизиқиш катта. Ўзбек миллий ҳунармандлик буюмлари, матолари, сўзана ва гиламлари, миллий таомлари барчага ёқади. Компаниямиз АҚШда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини, маданияти ва урф-одатларини тарғиб қилишга оид кўплаб тадбирлар ўтказиб келади. Мақсадимиз ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Мангкорн ДАНАСАРНСИЛП, Таиланд саноатчилар федерацияси раисининг ўринбосари:

— Федерациямиз кимё, қурилиш, озиқ-овқат саноатида фаолият юритувчи фирма ва компанияларни амалий қўллаб-қувватлашга ихтисослашган. Мазкур йўналишда иш олиб бораётган тадбиркорлар ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш ва йўлга қўйиш, маҳсулот сифатини назорат қилишда ташкилотимиз хизматидан фойдаланади. Таиландда ҳам Ўзбекистондаги каби аҳолининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади. Турли соҳаларда фаолият юритувчи кичик ва ўрта компаниялар учун талай имтиёзлар мавжуд. Янги иш бошлаган ишбилармонларга имтиёзли кредит ва грантлар ажратилади, тажриба ошириши учун семинар ва ўқув курслари ташкил этилади ҳамда маҳсулотлари сифатини назорат қилувчи ташкилотлар томонидан маслаҳатлар берилади.

Ўзбекистонга бундан тўрт йил олдин ҳам келган эдим. Ўтган вақт мобайнида Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгарибди. Ҳар соҳада ривожланишни кўриб, ҳайратим ошди.

2 ▶▶

МЎЪТАБАР ЗАМИН

Истиқлол туфайли инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадриятга айланди

Яқин тарихимизда давлат манфаатлари инсон манфаатларидан устувор эди. Мафкуралаштирилган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизимида ишлаб чиқариш воситалари, барча моддий бойликлар давлатники эди. Ҳеч бир шахснинг мулкдор ёки тадбиркор бўлиши мумкин эмас, сўз эркинлиги, ахборот излаши ҳеч қандай самара бермасди.

Ватанимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ Юртбошимиз ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар энг аввало инсонлар учун хизмат қилиши лозимлигини таъкидлаб, фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашни таъминлаш, бу борада тизимли ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан муайян вазифаларни белгилаб берди.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қадр-қиммати олий қадрият сифатида ардоқлана бошланди. Инчунин, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан халқаро андоза талабларига тўла жавоб берадиган ҳуқуқий асос шакллантирилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимизда инсоннинг яшаш, эътиқод қилиш, виждон эркинлиги, ўқиш, ишлаш, турмуш қуриш, фарзанд орттириш, мулкий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва бевосита кафолатлашга қаратилган нормалар белгилаб берилди, қабул қилинган бошқа қонунларимизга ҳам ушбу нормалар имплементация қилинди. Ўтган йиллар мобайнида Олий Мажлис томонидан 15 та кодекс ва инсон ҳуқуқларига оид 400 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Мисол тариқасида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги, "Виждон эркинлиги тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги бир қанча қонун ҳужжатларини санаб ўтишимиз мумкин.

2 ▶▶

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА БАРҚАРОР ДАРОМАДНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИДИР

(Бошланиши 1-бетда.)

Юртингизда тадбиркорлик субъектларининг бизнесга доир ғояларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маркетинг ва консалтинг, ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш орқали тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини, бизнес юритиш кўникмасини шакллантириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани жуда қувонарли. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 57-60 фоизини ишлаб чиқарар экан. Бундай натижага эришиш, албатта, мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг амалдаги самараларидир. Банклар ҳам ишбилармонларни имтиёзли кредитлар билан таъминлашни тўғри йўлга қўйган. Кузатувларим натижасида шунга амин бўлдимки, Таиландда ҳам, Ўзбекистонда ҳам аёлларни тадбиркорликка жалб этиш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётир. Бугунги кунда дунёда кўплаб нуфузли компанияларни аёллар бошқармоқда.

Бартломью ВИТЕК,
«Biebuyck» компанияси менежери (Бельгия):

— Қарийб етмиш йилдан буён муваффақиятли фаолият юритаётган компаниямиз шиша буюмлар тайёрловчи замонавий технологияларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганидан хабардорман. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ҳар бир жамият ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати ва таянчига, давлатни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётир.

Роб ВЕННЕКЕР,
«Greenfields» компанияси менежери (Нидерландия):

— Дунёнинг турли давлатларидан олиму мутахассислар, йирик молия муассасалари ва етакчи компаниялар вакиллари, кўплаб бизнес одамлари иштирок этадиган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги нуфузли, ғоят муҳим ва долзарб халқаро конференцияда иштирок этиш имкони туғилганидан жуда бахтиёрман.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилларидандир. Иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлмиш ушбу тармоқ мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшади. Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги иш билан банд аҳолининг аксарияти айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани мамлакатингизда хусусий секторнинг ривожига қаратилаётган улкан эътибордан далолатдир. Нидерландияда ҳам ҳукумат томонидан ушбу соҳани тараққий эттириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Компаниямиз спорт соҳасига, хусусан, футбол ва теннис каби спорт турлари учун майдонлар ҳозирлашга ихтисослашган. Мамлакатингиздаги улкан ва барча қулайликларга эга футбол майдонларини бориб кўрдик. Ўзбекистонда спорт юксак даражада ривожланаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу борада юртингиздаги тегишли муассасалар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ниятидамиз.

ЎзА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
Мадина УМАРОВА ёзиб олди.



ЎзА суратлари.

МЎЪТАБАР ЗАМИН

Истиқлол туфайли инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадриятга айланди

(Бошланиши 1-бетда.)

Ушбу қонунларда ҳар бир фуқаронинг давлат ҳимоясида эканлиги, ҳар ким эркин сўзлаши ва фикр юритиши, ўзига зарур бўлган ахборотни ҳеч бир монеликсиз излаши, динга эътиқод қилиши ёки қилмаслиги, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ҳурмат қилиниши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, мазкур қонунларда айбдорликда гумон қилинаётган шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, қийноққа солинмаслиги, зўравонликка, шафқатсизлик ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилмаслиги, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, билим олиш, бепул умумий таълим олиш каби энг олий қадриятлар ўз ифодасини топди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳати сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги ҳузурида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни олиб борувчи орган ташкил этилди. Ҳар бир давлат органининг фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши мустаҳкамланди. Айни кунда ушбу мавзу 20 дан зиёд ихтисослашган юридик газеталар ва 5 та журналда кенг ёритиб борилмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимиз халқаро ҳамжамият, халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида олиб бораётган ишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ҳозирги кунда давлатимиз 70 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция ва бошқалар шулар жумласидандир. 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон БМТнинг тегишли қўмиталарига мунтазам равишда ўз миллий маърузаларини юбормоқда. Хусусан, конвенция ва пактларнинг ижроси ҳақида 25 дан ортиқ маърузалар юборилган. Биргина 2008 йилда Парламент томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг иккита конвенцияси ва бошқа халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юртимизда судларни мустақил ва ҳеч кимга бўйсунмайдиган ҳокимият тармоғи сифатида тиклаш ҳуқуқий ислоҳотларнинг бош ғоясига айлантирилди. Шу тарзда беш йил муддатга сайланадиган Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат тизим яратилди. Бугунги кунда суд тизими инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган, кафолатлайдиган, тиклайдиган, ҳар қандай ноқонуний чеклашни бартараф этадиган мустақил ҳокимиятга айланиб улгурди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3-моддасида: "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир", — деб кўрсатилган. ЕХҲТнинг "Ўлим жазосини бутун дунёда тақиқлаш тўғрисида"ги резолюциясида "Ўлим жазоси — инсонпарвар жазо эмас, балки инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинадиган давлатларга муносиб бўлмаган ваҳшийлик ҳаракатидир, чунки у айбсиз шахсни ҳаётидан маҳрум этишга олиб келиши мумкин-"лиги қайд этилган. 1997 йилда БМТ "Ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қиммати аҳамиятининг ортиши ва инсон ҳуқуқларининг прогрессив ривожланишига кўмаклашиши"ни қайд этувчи резолюцияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2002 йилдаёқ: "Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўлиқ акс эттиради. Бинобарин, инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида муносабатда бўлиб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади", — деб таъкидлаган эди. Конституциямизнинг 24-моддасида эса: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", — деб белгилаб қўйилган. Президентимизнинг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонида 2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазоси бекор қилиниши қайд этилди. Мазкур Фармонга мувофиқ 2007 йил 11 июлда "Ўлим жазосини бекор қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида буюк неъмат сифатида инсоннинг яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиш тақиқлаб қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари устуворлигини таъминлаш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, демократик ислоҳотларни аста-секин ва босқичма-босқич амалга ошириш тўла-тўкис йўлга қўйилди. Айтиш мумкинки, бугунги кунда юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш соҳасида халқаро мажбуриятларни бажариш ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият деб қараш мустақил Ўзбекистонимизнинг асосий вазифасига, юртимиз эса инсонлар улуғланадиган энг мўътабар заминга айланди.

Нуриддин МУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов мавзуси: **«АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ, ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШИДАГИ МУҲИМ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ННТ ВА АҲОЛИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ»**.

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— аҳолининг экологик саводхонлиги ва маданиятини янада юксалтириш, мамлакатимиз ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш;

— биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш;

— соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни асраш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга йўналишлардаги муҳим давлат дастурларини фаол ва самарали амалга оширишга ННТларни жалб этиш;

— аҳолининг турли қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, экологик номақбул ҳудудлардаги аҳолининг саломатлигини ўрганиш ва профилактикасига амалий кўмаклашиш;

— қайта тикланадиган энергия манбаларини, ресурс тежовчи ва бошқа инновацион технологияларни, айниқса, қишлоқ жойларида, чекка ҳудудлардаги аҳоли соғлиғини сақлаш объектлари фаолиятига, шахсий томорқа, деҳқон хўжаликлари ва оилавий бизнесни юритишга кенг татбиқ этиш;

— экотуризм ва реабилитацион-соғломлаштириш соҳаларининг институционал ва меъёрий ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга кўмаклашиш.

Танловда қатнашиши учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2012 йил 15 октябрь соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси. 1-уй» манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64

ННТ ФАОЛИЯТИДАН

Умидбахш маскан

Бухоро шаҳридаги "Ойдин нур" оилани ҳимоялаш маркази ана шундай таҳсин ва эътирофга лойиқ

Дунёга келган ҳар бир инсон борки, ҳаётда ўз жуфти ҳалоли билан мустаҳкам оила қуриб, бахтли, бекаму кўст яшашни хоҳлайди. Афсуски, ҳали оила қуришга, фарзанд кўришга тайёр бўлмаган болаларини тезроқ уйли-жойли қилишга уринаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Бу эса кўп ҳолларда кутилганидек самара бермаётир. Аксинча, ҳали мустақил ҳаётга тайёр бўлмаган йигит-қизларнинг бахтсизлигига, оила деб аталмиш муқаддас қўрғон пойдеворининг нурашига, қуда-андалар ўртасида низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Айни кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида оилани ҳимоялаш марказлари ташкил этилиб, уларга Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан махсус грантлар ажратилиб, беғараз ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бухоро шаҳридаги "Ойдин нур" оилани ҳимоялаш маркази ана шундай ташкилотлардан бири ҳисобланади.

"Ойдин нур" шу пайтгача ночор қолган 120 нафардан ортиқ аёлни ҳамда 90 нафар болани ўз бағрига олди. Бу ерда уларга руҳий мадад берилди, тушкунликка тушган, ўз боқувчисини йўқотган, ҳаттоки суд жараёнида чорасиз қолганларга руҳшунос, ҳуқуқшунос ва адвокатлар кўмаги кўрсатилди. Шу билан бирга, улар "Машҳура" ўқув курсида ўқитилиб, ҳаётга қайта йўлланмоқда.

— Мен ўз қўшнимга келин бўлиб тушгандим, — дейди Камола Қурбонова. — Бир йил ўтгач, фарзандли бўлдик. Очиғи, ҳамманинг бизга ҳаваси келарди. Аммо, турмуш ўртоғим ичкиликка ружу қўйиб, аста-секин мендан узоқлаша бошлади. Бунинг ягона сабаби, унинг яхши топиш-тутишида эди. Кунда-кунора арзимас баҳоналар билан оилада жанжал чиқа бошлади. Қайнонам мени ҳимоялаш ўрнига, аксинча турмуш ўртоғимнинг қулоғига: "Бунингни жавобини бер. Бошқа қизга уйлантириб қўяман", — деган гапларни қуя бошлади. Бу гапларни эшитсам-да, эшитмасликка олдим. Кўп ўтмай, ҳеч бир сабабсиз менинг жавобимни беришди. Аввалига ўз жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим. Ахийри, ота-онам ва бир нафар фарзандимнинг ҳаётини ўйлаб, шайтонга ҳай бердим. Марказга келмасимдан олдин мени қийнаб хўрлаган кайнонам ва эримни кўриб қолсам, ўзимни йўқотиб қўярдим. Оёқларим қалтираб, гўё ҳозир йиқилиб тушадигандек бўлардим. Бу ерда кўп нарсаларни тушуниб етдим. Шу кунларда қишлоғимда тикувчилик цехи очиб, 10 дан ортиқ аёлларни иш билан таъминлаш арафасидаман.

Марказда барча шарт-шароитлар муҳайё. Ҳукуматимиз ва саховатпеша тадбиркорлар, ҳомий ташкилотлар томонидан уларга беғараз ёрдам кўрсатилмоқда. Айни чоғда марказ 21 кишига мўлжалланган янги турар жой биноси, ошхона, ювиниш ва дам олиш хоналари, замонавий уй анжомлари билан тўлиқ таъминланган.

— Мақсадимиз оилада соғлом муҳитни шакллантириш, аёлларнинг ҳуқуқий билимларини оширишдир, — дейди марказ раҳбари Мавлуда Солиҳова. — Оиладаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда якка-ёлғиз оналарни, етим болаларни ҳимоялаш, мушкул аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни касб-ҳунарли қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Марказдан бошпана топганларнинг аксарияти кейинчалик ўз оиласига қайтиб, тинч-тотув турмуш кечираётганини эшитиб, хурсанд бўлдик. Бунда, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, "Нуроний" жамғармаси, жойлардаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликларининг хотин-қизлар қўмиталари яқиндан кўмаклашаётганини айтиш жоиз.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Меҳнати зийнатга айланган аёл

...Учинчи фарзандини ҳам тупроққа берган Гулбодомга дунё қоронғу бўлиб кетди. Аламини ишдан олиш, бошига тушган мусибатни унутиш учун азонда туриб елкасига кетмонини олди. Тизилишиб эгатга тушаётган аёллардан сал берироқда иш бошлади. Дугоналари унинг аҳволини тушунишдими, бироз саросималаниб туришгач, ишга тутинишди. Аммо ўша тобда жувоннинг кўзига ўзи севадиган кенг далалар ҳам тор кўринди. Ҳафсаласизлик билан бироз ишлаган бўлди-ю, ғўзаси одам баравар бўй чўзган, ҳали нами қочмаган муздек ерга бағрини бериб ётди. Юрак ҳовури бироз бўлса-да, босилгандай бўлди. Жон аччиғида қилган бу ҳаракати ўзига эриш туюлди. Шу пайт шуурида гўё биров унга "Ўзингни қўлга ол, курашиб яша", дегандек бўлди. Қалбига бироз илиқлик югурди...

— Мен албатта фарзанд кўраман, — деди у. — Худо хоҳласа, ўғил-қизларни тарбиялаш, уларнинг камолини кўриш бахти менга ҳам насиб этади.

У кўзларидан тирқираб оқаётган ёшларини арта-арта ишга берилди. Одам тафтини одам оладди, деганларидек, қишлоқдошлари кўнгли ярим бу ожизани ёлғизлатиб қўйишмади. Жўшқин меҳнат, келажакка ишонч унинг дардларини аритишига ёрдам берди.

Гулбодом ана шу ишонч, яхши инсонлар туфайли жўшқин ҳаётга қайтди. Дуч келган барча қийинчиликларни енгди, камол топди. Элга танилди. Ҳурматга сазовор бўлди. Мана, йиллар ўтиб, у икки ўғил, бир қизнинг севимли онаси, 15 нафардан зиёд бир-биридан ширин невараларнинг меҳрибон момоси.

Гулбодом Донабоева бугун Сирдарё туманидаги "Дилшод" фермер хўжалигининг раиси, "Янгиобод" маҳалла оқсоқолининг диний-маърифий, маданий ишлар бўйича маслаҳатчиси сифатида барчага таниш.

— Янгиободликларнинг бирор бир тадбири усиз ўтмайди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Ҳусаинова. — Қишлоқда опани етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма танийди. Тўй-ҳашамларни камчиқим ўтказиш борми, оилалардаги келишмовчиликлар борми, ҳаммасини ўзи тинчитиб, ҳар бир юмушни рисоладагидек адо этади. У ҳудудда яшаётган ҳар бир оиланинг қандай яшаётганини, ким нима иш билан машғуллиги, кимга қандай ёрдам кераклигини яхши билади.

— 70-йиллар. Самарқанддан аммамнинг битта-ю битта ўғлига келин бўлиб тушдим, — деб эслайди Гулбодом опа. — Тўйнинг расм-русумлари ўтгач, аммам бир тоғорага ош босиб, мени далага олиб чиқдилар. Бригада аъзолари билан таништириб "келин оши" ейилгач, ўзлари қайтиб кетдилар. Шу куни тушдан кейин 180 килограмм пахта терганман. Ўшандан бошлаб ҳаётим дала билан боғланган. Тракторчининг тоби қочиб қолса, рулга ўтириб ғўза қатор ораларига ишлов бердим, пахта териш машинасида пахта тердим. Иш танламаганман. Бу аёлнинг иши, бу эркакники демай, ҳаммасини бажараверардим.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, фермерлик ҳаракати бошлангач, Гулбодом опа "Дилшод" фермер хўжалигини ташкил этди. Ўтган йиллар давомида у пахта ҳосилдорлигини 35-40 центнердан, ғалла ҳосилдорлигини эса 50 центнердан туширмай келаяпти. Жорий йилда 16 гектар ерга буғдой экканди, 50 центнердан ошириб ҳосил олинди. Шартнома режасидан ортган буғдой ишчиларга тарқатилди.

Хўжаликдаги 10 нафар муқим ишловчининг унумли меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилган. Мавсум бошланган вақтда уларнинг сони яна ўн нафарга кўпаяди.

Сабр-қаноат, бардош туфайли Гулбодом опа оилавий бахтга ҳам мушарраф бўлди. Унинг турмуш ўртоғи Суюн Тожиев, икки нафар ўғли — Дилмурод ва Дилшод энг яқин кўмакдоши, ҳар ишда мададкори. Турмушга чиққан қизи Турсуной ҳам ўзидан тинган. Оила аъзоларининг аҳиллиноқлиги, олаётган даромадлари туфайли рўзғор бут, турмуш фаровон. Ҳалол меҳнат эвазига олинган "Дамас", "Нексия" русумли автомашиналар оила хизматида.

Келинлари Шоҳида ва Холида ҳовлидаги 16 сотихлик томорқани гулдек қилиб қўйишган. Йил бўйи помидор, бодринг, сабзипиёз, булғор қалампири, ловия, ошқовоқ каби экинлар барқ уриб туради. Бугунги кунда уларнинг шахсий хўжалигида 30 бош қорамол, 30 та қўй боқиляпти. Унинг айтишича, сут, қатиқ, сузмани шаҳарликларнинг ўзи келиб уйдан олиб кетишади,

Опа шу кунларда ўғиллари билан чорвачилик фермасини ташкил қилиш ниятида юрибди. Қарабсизки, кейинги қадам маҳсулотларни қайта ишлаш билан якун топади.

Қишлоқ ҳудудларига шу тариқа саноат кириб кела бошлайди. Бу эзгу ниятларнинг амалга ошишида ҳам опанинг ўзи ташаббускор бўлса, ажабмас.

Маҳалла ҳудудидаги 501 та хонадонда 1763 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг бир қисми шаҳарга қатнаб ишласа, қолганлари ҳудуддаги 17 та фермер хўжалигида меҳнат қилади. Қишлоқда томорқаси йўқ хонадоннинг ўзи йўқ. Шу боис бу ерда ишсиз, бекорчи одамни топа олмайсиз. Бу йил маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга 20 тадан товуқ тарқатилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 21 йиллик тантаналари шукуҳи қалбимизда мавж уриб турган шу кунларда ҳам фермер даласида иш қизғин. Ғўзалар меҳр билан парваришланиб, ҳосил йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу юмушлар билан бир қаторда экиндан бўшаган майдонларга ишлов бериляпти.

— Камтарона меҳнатимиз Ватанимиз юксалишига, унинг гуллаб-яшнашига озгина бўлса ҳам ҳисса бўлиб қўшилса, биз бундан ниҳоятда хурсандмиз, — дейди Гулбодом Донабоева. — Обод ва озод юрт фарзанди эканлигимиздан мамнунмиз.

Дилора ЭСОНОВА
Сирдарё вилояти

ТАРАҚҚИЁТ РОБИТАЛАРИДА



Муқобил энергия имкониятлари

Энергия инсоният ҳаётида муҳим ўрин тутишини ҳаммамиз биламиз. Айниқса, сўнгги 40 йил мобайнида унга бўлган талаб сезиларли даражада ортди. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда йилига табиий ёқилғи ишлатиш миқдори дунё бўйича 12 миллиард тонна нефть эквивалентига тўғри келмоқда.

Айни дамда нефть, табиий газ, кўмир ва уран асосий энергия манбаи ҳисобланади. Маълумотларга кўра, агар ишлаб чиқариш шу суръатда давом этса, жаҳондаги нефть захиралари 40-50 йилга, табиий газ 70-75 йилга, тошкўмир 165-170 йилга, қўнғир кўмир эса 450-500 йилга етиши мумкин, холос. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсоният келгусида энергиянинг янги манбаларидан самарали фойдаланиш йўлларини излаб топиши даркор. Шу боис, бугун кўплаб мамлакатларда чекланган энергетик ресурсларга муқобил тарзда қайта тикланувчи энергия манбалари (қуёш, шамол, сув ресурслари, геотермал манбалар ҳамда маиший чиқиндилардан олинган биогаз)дан фойдаланишга ўтиш ҳажмини ошириш йўлида қизғин иш олиб борилмоқда. Зеро, энергия балансига экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш атроф-муҳитга техноген таъсирларнинг камайишида, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омиллардан биридир.

Таъкидлаш керакки, углеводород ресурсларини тежашда, мамлакатнинг энергия хавфсизлигини таъминлашда қайта тикланувчи энергия манбалари муҳим ўрин тутади. Улардан олис ҳудудлар — тоғ ва чўлларда, мавсумий ишларда ёки иссиқлик ва ичимлик сувига бўлган талабни қондиришда фойдаланиш қулай.

Қайта тикланувчи энергия манбалари афзалликларидан яна бири у — электр энергиясини ишлаб чиқаришда углеводородли энергия манбаларини тежайди. Уларни ҳомашё сифатида сақлаб қолиш имконини беради. Юртимизнинг экологик ноқулай ҳудудларида, ўзига хос иқлим шароитида ҚТЭМни қўллаш порлоқ истиқболга эга, бу эса юқори экологик, ижтимоий, иқтисодий самара бериши турган гап. Айниқса, юртимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш учун ниҳоятда қулай шароит мавжуд. Биргина қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 50973 миллион тонна нефть эквивалентига тенг. Мамлакатимиз шимолида йилига 2000 соат (4800МД\метр квадрат нурланиш), жанубида эса 3000 соат (6500 МД\метр квадрат нурланиш) қуёш ҳукмрон. Бу республикамиздаги мавжуд барча қайта тикланувчи энергия манбаларининг 99,7 фоизи демакдир. Табиатнинг ушбу бебаҳо инъомидан фойдаланиш эса ўзимизнинг қўлимизда.

Яна бир қайта тикланувчи энергия манбаларидан бири шамолдир. Унинг юртимиздаги ялпи салоҳияти 2,2 миллион тонна шартли ёқилғи миқдорига тенг. Шу қаторда геотермал ресурсларнинг ялпи салоҳияти 244,2 минг тонна шартли ёқилғи деб баҳоланиб, уларнинг 8 та гидротермал ҳавзаси аниқланган.

Экологик тоза энергия манбаларини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш ва амалга татбиқ этиш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида ихтисослашган "Эко-энергия" илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган. Марказ раҳбари Мажид Хўжаевнинг маълум қилишича, республикамизнинг барча ҳудудларида қишлоқ врачлик пунктларига, даволаш марказларига ва шу каби зарур эҳтиёжли жойларга қуёш фотоэлектр станциялари (ёритиш, телевизор, радио, алоқа, қудуқлардан сув тортиш каби ишларни амалга ошириш учун), гелиосувиситгичлар, биоўғитдан биогаз, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший чиқиндилардан энергия олиш қурилмалари, микро ГЭСлар ўрнатилиб, ишга туширилмоқда. Бундай эзгу ишлар вилоятларимизнинг чекка ҳудудларида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Миркарим МИРСОВУРОВ

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

БИР КЕТГАН УЯТ ҚАЙТИБ КЕЛМАЙДИ

Эътибор қаратган бўлсангиз, Европа фильмларининг аксариятида бирор бир жиноятда гумондор саналувчи маҳаллий полиция ёки федерал ходим томонидан ушланганида ўша гумондорнинг "Мен солиқ тўловчиман" деб айтадиган бир оғиз гапи кўп нарсани ҳал этади. Масалан, унинг қўли шармандаларча кишанланмайди; ҳолат юзасидан яқинларига, айниқса, адвокатига хабар етказилиши ёки давлат томонидан адвокат тайинланиши кафолатланади.

Бу улардаги шунчаки бурчнинг қадри, холос. Шу боис ҳам улар ҳар бир ишга бурчдорлик нуқтаи назари ила қарашади. Боз устига, кўплаб ривожланган давлатлар фуқаролари, энг аввало, солиқлар олдидаги бурчларидан қўрқишларини рўйи-рост таъкидлашади. Бизда ҳам шундай қадрият бор. Аммо биздаги бу қадрият қўрқувдан эмас, эзгу мақсадлардан туғилади. Унинг инъикосини бунёдкор халқимизнинг орзу-ҳаваларида, интилишларида, амалга оширилаётган ислоҳотларда кўриш мумкин. Яъни хайрли бир ишга бош қўшган одам борки, бу биринчи навбатда ундаги савобталаблик ҳиссидан далолат. Эҳтимол, саксондан ўтган кекса бир чолнинг кўчат ўтқазаётганини кўрган қайсидир бир европалик ҳайратдан ёқа ушлар, аммо бунинг сабабини мўйсафиднинг ўзидан сўрасангиз: "Мевасига эл-улуснинг, невара-чевараларнинг оғзи тегса, савоб бўлар", — деб жавоб қилади. Зотан, одамларимиздаги мана шу эзгу истак туфайли юртимиздаги энг овлоқ жойлар ҳам боғ-роғлар билан бурканган.

Ҳа, бу элнинг ёш-қариси ўзининг ҳар бир амалида савобталаб. Инчунун, улар боболарининг "Ният хайр, оқибат — хайр" деб айтган ўгитидан оғишмайди. Масалан, оқибати зиён билан тугайдиган ҳар қандай юмушни қилишни, энг аввало, гуноҳ ҳисоблайди. Зеро, зиён хоҳ давлатга, хоҳ жамиятга ва ҳатто якка бир шахсга нисбатан бўлсин, барибир зиён-да! Унинг катта ёки кичиклигидан қатъи назар моҳияти ўзгармайди. Муқаддас китобларда мўмин киши шеригининг олдида чопонининг чангини ҳам қоқмаслиги лозимлиги ёзилган. Чунки чангдан шериги зиён кўриши мумкин, бу эса гуноҳ. Кўрдингизми, бизда қандай буюк қадриятлар, одатлар бор.

Айтганча, яхши қонунлар эзгу қадрият ва одатлардан пайдо бўлади. Демак, биздаги қонунларнинг инсонпарварлигию муфассаллиги ҳам ана шундан.

Масалан, сиз яхши ният билан тадбиркор бўлмоқчисиз, марҳамат, бу ҳуқуқингиз, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, қолаверса, Фуқаролик кодексининг 24-моддаси биринчи қисмида **"Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир"** дея белгиланган. Фақат сиз ўз навбатида **"Ҳар бир шахс ушбу Кодексда (**Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 4-моддаси биринчи қисми назарда тутилмоқда**) белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт"**лигини унутиб қўймасангиз, бас.

Бордию, бунинг акси бўлса-чи?!

Бамисоли ўлжасини бир чўқиб, атрофга минг бор аланглайдиган қузғун кабисиз: на ўнгингизда ва на уйқунгизда ҳаловат бўлади; таҳлика ортингиздан қувиб юради; муаммолар гирдобига тушиб қоласиз, биттасини ўнгладим дейсиз-у, қаршингизда бошқаси пайдо бўлади; чунки ҳалолликдан юз ўгирган кундан бошлаб шу қадар беҳисоб ярамас иллатларга кўмилиб кетасизки, оқибат-натижада ҳаётнинг нопок йўлларидан юришга одатланиб қоласиз. Қуруқ аравани тортқилаганча куйиб-пишиб югурасиз-чопасиз. Агар аравангизда бирор нима бўлса, у ҳам сизники эмас, қилаётган хатоларингиз эвазига бир кун келиб тўлайдиган товон бўлади, холос.

Келинг, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирайлик. Наманган шаҳрида туғилган Муроджон Юсупов атиги 25 ёшни қаршилаган. Аммо у мана шу умрининг ўзидаёқ икки карра судланди. Икки марта "қора курси"дан туриб терговга жавоб берди. Бироқ...

Гарчанд у ўзини қанчалик шармисорликка дучор этмасин, номини тиклашга ҳали имконияти етарли эди. Ахир, унинг муқаддам қилган жиноятлари кечирилган, афв этилган, боз устига, "Fazan Print Dizayn" МЧЖда раҳбар бўлиб ишларди. Қолаверса, айбдорнинг айбига иқрорлиги унинг ўзи учун энг зарур мезон — номусни сақлаб қолишга имкон беради.

Муроджон ўтган йилнинг 8 июлидан то жорий йилнинг 27 январига қадар "Fazan Print Dizayn" МЧЖнинг раҳбари бўлган ҳолда АТИБ "Ипотекабанк"нинг Наманган вилоят филиалидаги жорий ҳисоб рақами орқали 8 миллиард 480 миллион 652 минг сўм дебиторлик ҳамда 8 миллиард 480 миллион 391 минг сўм кредиторлик айланмаларини амалга ошириб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 мартдаги "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 125-сонли, шунингдек, 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 280-сонли ҳамда 2011 йил 17 ноябрдаги "Фиксал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 306-сонли қарорлари талабларини қўпол равишда бузган. Пул кўчириш йўли билан харид қилинган 5 миллиард 535 миллион 292 минг сўмлик маҳсулотларни накд пулга сотган бўлса-да, бу маблағларни назорат-касса машинасига киритмаган. Банк муассасасига топширилиши шарт бўлган накд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини содир этиб, савдо қоидаларига хилоф иш тутган.

Устига-устак, кўра-била туриб расмий ҳужжатларга сохта ёзувлар киритган. Бош ҳисобчи Иномжон Тожибоевнинг имзосини бир неча марта сохталаштириб, ундан "унумли" фойдаланган. Бу ҳам етмагандек, "Fazan Print Dizayn" МЧЖ фаолияти билан боғлиқ бўлган ва унинг қатъий ҳисобида турувчи ҳужжатларни терговдан яширишга уринган ҳолда улардан фойдаланиб бўлмайдиган даражага келтиришга уринган. Аммо...

Ҳа, дастлаб миллиардлаб сўмларни қўлдан-қўлга ўтказиб юрган Муроджон чиндан ҳам омадли эди, лекин унинг бу омади узоққа чўзилмади. Қилмишига яраша жазо олди.

Дарвоқе, гапимиз ҳалоллик ҳақида бораётган эди. Унинг яна бир муҳим имконияти бор: азобсиз яшаш. Яъни кимки қаллоблик билан яшаса, унга ҳақиқат азобдек туюлаверади. Чунки ҳақиқат ҳақсизлик бўйнидаги сиртмоқ янглиғ таҳликали ва у, албатта, бир куни тортилиши муқаррар. Бироқ, минг афсуски, шунда ҳам орамизда ҳалолликдан юз ўгирганлар кўп.

1979 йилда Учқўрғон туманида туғилган Акмал Ҳамидов "Green global invest" МЧЖнинг раҳбари сифатида жами 15 миллиард 774 миллион 779 минг 900 сўм дебит-кредит айланмаларини амалга ошириб, Солиқ кодексининг бир қатор моддаларига зид равишда фаолият юритган бўлса, 1986 йилда Наманган шаҳрида туғилган Баҳром Мирабдуллаев "Кварцит мезон дизайн қурилиш" МЧЖнинг раҳбари сифатида ўзининг ихтиёрида бўлган ОАТ "Турон банк"нинг 390 миллион 272 минг 900 сўмлик маблағларини талон-торож қилиш йўли билан ўзлаштириб юборган. Ўн миллион сўмдан ортиқ маблағларни солиқдан яширди. Бундан ташқари, савдо қоидаларини ҳам 251 миллион 159 минг 500 сўмлик қийматда бузиб, жиноят иши содир этган.

Албатта, юқоридаги қилмишлар одил судлов орқали ўзининг ҳуқуқий баҳосини олган. Бир қаращда уларга тайинланган жазолар қилган қилмишларига нисбатан ўта юмшоқ ва енгилдек, бироқ ҳар қандай инсон учун жазо эмас, жиноят шармандали эканлигини назарда тутсак, пул, мол-дунё деб жондан қиммат номусини сотаётганларга жуда раҳминг келади.

Бундай кимсаларга номуснинг асло баҳоси йўқ, уни сотган одам ҳеч қачон барака топмайди, кетган уят қайтиб келмайди, дегинг келади-ю, гапларим ҳайф кетармикан, деб андиша қиласан. Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
журналист

МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАЛАРИ

«Тафаккур» журнали саҳифаларида

Мамлакатимиздаги нуфузли нашрлардан бўлган "Тафаккур" журналининг ҳар бир сони муштарийлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинади. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса, ижтимоий-маънавий соҳада, юртдошларимизнинг онгу тафаккурида юз бераётган туб ўзгаришлар жараёни журнал саҳифаларида чуқур таҳлилий мақолалар, шарҳлар, таниқли олим ва мутахассислар, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат намояндалари билан суҳбатлар, долзарб мавзулардаги тадқиқотлар орқали мунтазам ёритиб борилмоқда.

Журналнинг Мустақиллик байрами арафасида нашрдан чиққан 3-сони ҳам мавзу мундарижасининг кенг ва ранг-баранглиги, таҳлил ва фикр-мулоҳазаларга бой материаллари билан алоҳида эътиборни тортади.

Журнал таниқли файласуф олим Абдураҳим Эркаевнинг замонавий таълим-тарбиянинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, миллий маънавиятимизни асраш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган суҳбати билан очилади. Муаллиф мустақиллик йилларида мамлакатимизда шаклланган, дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётган миллий таълим модели ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлайди. Ҳозирги вақтда халқимиз, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган зарарли таъсирлар, хусусан, "оммавий маданият" ниқобидаги маънавий таҳдидлар кучайиб бораётгани, уларга қарши курашиш йўллари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этади.

Маданиятшунос олима Нодира Мустафоеванинг "Маданият — камолотга интилмоқдир" мақоласида кўпинча маънодош сўзлар сифатида ишлатиладиган "маданият" ва "цивилизация" атамаларининг мазмун-моҳиятида ўзига хос фарқлар борлиги ҳақида баҳс юритилади.

Истеъдодли шоир ва адиб Улуғбек Ҳамдамнинг "Янги инсон" публицистик достонида одамзот қалбидаги мураккаб жараёнлар, зиддиятли ҳолатлар теран бадиий-фалсафий мулоҳазалар орқали акс эттирилган.

Адабиётшунос олим, публицист Михли Сафаровнинг "Наво илми алломаси" эссесида миллий маданиятимизнинг мумтоз намояндаси, атоқли ҳофиз ва бастакор Юнус Ражабий ижодий фаолиятининг кўпчиликка таниш бўлмаган саҳифалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Муҳаммад Азимов ва Моҳигул Азимованинг "Қирққиз қасри" мақоласида Сурхондарё вилоятидаги Қирққиз қасри тарихий обидаси ҳақида сўз юритилади. Қизлар учун мўлжалланган ушбу таълим маскани ўз даврида халқаро миқёсдаги муассаса бўлгани, унда қирқ ўлкадан келган қирқ қиз ҳаёт учун зарур билим ва кўникмаларни нақадар пухта эгаллагани ҳақида тарихий далиллар асосида фикр юритилади.

"Тафаккур" журнали илм-маърифат ва ижод оламига дадил кириб келаётган ёш иқтидор эгаларининг дастлабки илмий тадқиқотлари, бадиий асарларини ёритишга алоҳида эътибор бериб келаётган нашрларимиздандир. Ушбу сонда ҳам ёш олимларнинг мақолаларига кенг ўрин берилган. Чунончи, ёш файласуф Хуршид Йўлдошевнинг "Заруриятдаги тасодифият" мақоласида объектив идеализм таълимотини ёқлайдиган баъзи Шарқ ва Ғарб алломаларининг мўъжиза ҳодисасига доир қарашлари қиёсий таҳлил қилинади. "Талқин ва тадқиқотлар" рукнида ҳам ёш тадқиқотчиларнинг долзарб мавзулардаги илмий изланишларига кенг ўрин берилган.

Журнал саҳифаларида, шунингдек, Аҳмаджон Мелибоевнинг "Маънавий пойдевор", Бахтиёр Омоновнинг "Глобаллашув ва сиёсий янгиланиш", Ойбек Абдимўминовнинг "Хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик", Отабек Оллаёровнинг "Интернет ва ёшлар ахлоқи" каби талай мақолалари ҳам чоп этилган.

Қуйида журналнинг янги сонидаги мақолалардан олинган айрим парчалар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



НАВО ИЛМИ АЛЛОМАСИ

Юнус Ражабий миллий мусиқа меросимизни тиклаш ва тарғиб этишга ўзини бағишлади. Аммо собиқ шўро тузуми шароитида у қаттиқ синовларни ҳам бошдан кечирди. 1932 йили Ўзкомпартия Марказкомининг "Маданий фронт ҳақида" номли қарори эълон қилинди. Қарорда ўзбек миллий чолғулари "примитивщина" деб аталиб, улардан воз кечиш масаласи қўйилди. Бу партиявий ҳужжатда миллий чолғу асбобларимиз устидан "феодализм даври мусиқаси ва Ўрта Осиё кўчманчилигининг қолдиғи" деб ҳукм чиқарилди. Пировардида ўзбек халқ чолғу асбобларини Овруپо чолғу асбоблари товушларига яқинлаштириш, ўзбеклар мусиқий ҳаётига Овруپо скрипкасини киритиш, сурнай билан буламонни "қайта ясаш учун Москвага юбориш" вазифаси белгиланди. Мақом куйлари "сарой мусиқаси" деб қораланди *("Ўзбекистон шўро адабиёти" журнали, 1932, 3-сон, 103-104-бетлар).*

Ана шу сиёсий қарордан кейин вазият кескинлашди. Бироқ Юнус Ражабий ўз йўлидан қайтмади ва Ўзбекистон радиоси қошидаги миллий чолғу ансамбли ҳамда чолғу созларимизни сақлаб қолишга бор куч-ғайратини сарфлади, миллий куй ва ашулаларни, халқ қўшиқларини радио орқали тарғиб этиб борди. Миллий чолғуларимизда ижро этувчи созанда ва хонандалар устоз санъаткорга астойдил суяниб ижод қилишди, Юнус ота ёш санъаткорларни тинимсиз рағбатлантириб, руҳлантириб турди.

1951 йилнинг 8 апрелида "Ўзбекистон ССР музика санъатининг аҳволи ва уни келажакда янада ривожлантириш чоралари ҳақида" деб аталган янги партиявий қарор чиқди. Аслида, ушбу қарорда "мусиқани ривожлантириш ва унинг келажаги" тўғрисида гап борса-да, шу ҳужжатга суянилган ҳолда, 1953 йили Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолғу асбоблари ансамбли фаолияти тўхтатилди. Радиода анъанавий халқ ижрочилиги "овози" сўнди...

Орадан бир неча йил ўтиб, бу тақиқ янглиш тадбир эканини ҳаёт кўрсатди. Аҳволни тузатиш учун яна радиога Юнус Ражабий чорланди ва бу ерда унга халқ чолғу асбоблари ансамблини қайта тиклаш вазифаси топширилди.

Юнус Ражабий радио қошида янги ижодий гуруҳ — Мақом ансамблини ташкил этди. Шу йўсинда мақом ижрочилигини фаол йўлга қўйиш ишига берилиб кетди. Мақом ансамбли унинг учун ижодий лаборатория вазифасини ўтади, десак, хато бўлмайди. У халқ мусиқа бойлигини мақом ансамблидаги 40 нафарга яқин шогирдига ўргатиш баробарида барча мақом асарларининг 25 соатдан ортиқ энг биринчи тажрибавий ва намунали ижро ёзувларини ҳам ўзбек радиоси фондига грамдискларда муҳрлаб, мерос қилиб қолдирди.

Атоқли санъаткор хотираси мустақиллик йилларида юксак даражада эъзозланди — Юнус Ражабий 2000 йилда Президентимиз фармонига биноан "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Михли САФАРОВ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИЗ МИЛЛАТ ЮКСАЛМАС

... Мен кўпгина ўқувчи ва ўқитувчиларга "Ватанпарварлик нима?" деган савол билан мурожаат қилганман. Уларнинг деярли барчаси "Ватанни севиш, керак бўлса, унинг учун жон фидо қилиш" қабилидаги тўғри, аммо ўзлари ҳали тўлиқ англаб етмаган бироз юзаки жавобларни берган. Ватанпарварлик авваламбор танлаган касбингиз, бажараётган вазифангиз доирасида Ватанга ҳар куни ҳалол хизмат қилиш, унинг бойлигига бойлик, қудратига қудрат қўшиш, деган жавобни ҳеч кимдан эшитмадим. Бошқача айтганда, биз ватанпарварлик тарбияси меҳнат қилиш зарурати, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашишга бевосита боғлиқ эканини ёшларнинг онгига сингдириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Масалан, ўқитувчининг ватанпарварлиги, аввало, ўқувчига пухта билим ва юксак тарбия беришдир. Завод-фабрика ишчисининг ватанпарварлиги яроқсиз маҳсулот чиқармаслик, халқ бойлигини исроф қилмасликдир. Ўқувчи ва талабанинг ватанпарварлиги, биринчи галда, пухта билим олиб, касб эгаллаш, хорижий тилларни ўрганиш ва эл-юрт корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етишдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби ва бошқа асарларида ватанпарварлик, маънавий жасорат, фидойилик фазилатлари шу муқаддас юрт, унга эгалик, унинг тақдирига дахлдорлик туйғуси билан бевосита боғлиқ ҳолда таҳлил ва талқин этилиши бежиз эмас, албатта. Хусусан, "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида япон ва корейс мўъжизасининг туб омиллари мазкур халқларнинг миллий характерлари билан боғлиқ экани алоҳида таъкидланади. Ҳақиқатан ҳам, бу халқлар ватанпарварликни аввало ўз хизмат вазифасини сидқидилдан адо этиш, ҳалол меҳнат қилишда, фидойиликда деб биладди.

Маълумки, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида ишлаб чиқилган, дунёда кенг эътироф этилаётган замонавий таълим моделимиз ёш авлодимизни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга қаратилган. Бу тарбия жараёнида, ҳеч шубҳасиз, ватанпарварлик тарбияси алоҳида ўрин тутади.

Ҳозирги кунда замон шиддат билан илгарилаб бораётгани, бугун — бозор иқтисодиёти ва глобаллашув шароитида баъзи анъанавий миллий ва умуминсоний қадриятларни, биринчи галда, меҳнатсеварлик ва меҳр-оқибатни асраб қолиш долзарб вазифага айланмоқда. "Оммавий маданият"нинг сийқа маҳсулотлари, саёз жанрлари тез тарқалиб, ёшларимиз фикру хаёлини эгаллаб олаётган бир вақтда биз эскича тарбия усуллари, айниқса, насиҳат ёки танбеҳ бериш орқали, фақат аждодлар ютуғи билан фахрланиб, Президентимиз таъбири билан айтганда, уларнинг шуҳратига маҳлиё бўлиб кўп нарсага эришолмаймиз. Интернетни, компьютерни бекор қилиб бўлмайди. Бироқ ўғил-қизларимизда китоб ўқишга иштиёқни, миллий адабиёт ва санъатга меҳрни ҳам шакллантирмоқ лозим. Миллий қиёфамизни, ўзлигимизни, адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимизни сақлаб қолишимиз керак. Уларни умуминсоний ва замонавий ютуқлар билан бойитган ҳолда, албатта.

"Оммавий маданият" орқали стандартлашган, мазмунан юзаки, истеъмол товарига айланган "ижод маҳсуллари" кенг тарқалиши, лўнда қилиб айтганда, миллий санъат, адабиёт, тарбияга путур етказиши мумкин. Миллий психологиямиз, баъзи олижаноб фазилатларимиз – меҳру оқибатли, хайру саховатли бўлиш, савоб ишларга интилиш каби ноёб туйғулар ўтмаслашиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бугунги кунда ғарбона "оммавий маданият" бизнинг турмушимизга турли-туман ялтироқ ниқобларда, айрим ҳолларда эса мутлақо номуносиб шаклларда тиқиштирилмоқда. Унинг таъсирига тушиб қолган баъзи ёшлар эрта бир кун ота-она бўлади, ўзлари фарзанд тарбиялайди. Уларнинг ўғил-қизларида миллий ифтихор туйғуси, умуман, ўзбек менталитети сақланиб қоладими? Уларда миллий нигилизм кайфияти авж олиб кетмайдими? Яна ўттиз-қирқ йилдан сўнг биз, ўзбеклар миллий ўзлигимизни қай даражада англаймиз?

Айни чоғда, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ривожланиши — тараққиётнинг объектив тенденциясидир. Бинобарин, улардан юз ўгириб, миллий маҳдудликни ҳам танлай олмаймиз. Ушбу муаммонинг мақбул ечимини топиш осон эмас. Бунинг учун жиддий назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш лозим. Тадқиқотларни ҳар бир фан йўналиши ва унинг фундаментал муаммолари бўйича алоҳида ўтказиш зарур. Ижтимоий фалсафа уларнинг хулосаларини умумлаштириб бориши, ўзи ҳам алоҳида предметидан келиб чиқиб тадқиқотлар юритиши даркор.

Абдураҳим ЭРКАЕВ,
Қарши давлат университети доценти

РИВОЖЛАНАЁТГАН ХИЗМАТ ТУРИ

LEX.UZ миллий тизимининг янги имкониятлари

Мамлакатимизда барча оммавий ахборот воситалари қатори интернет журналистикаси, электрон сайтлар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда чоп этилаётган аксарият нашрлар, қолаверса, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг интернетда ўз сайтларининг ташкил этилишини ҳам ана шу эътибор самараси, деб баҳолаш мумкин.



Ана шундай интернет нашрлардан бири — ўзида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жамлаган Lex.uz сайтидир.

Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги низомда қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини ташкил этиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлаш ҳам белгилаб қўйилган. Lex.uz миллий тизимининг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш орқали халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш, шу билан бир қаторда ҳуқуқий ахборот билан таъминлашни янада такомиллаштиришдан иборат.

— Вазирлар Маҳкамасининг «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ташкил этилиб, ундан интернет тармоғининг Lex.uz сайти орқали фойдаланиш имконияти аҳолига тақдим қилинди, — деди «Lex.uz — қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий тизимининг янги имкониятлари» мавзусида ўтган матбуот анжуманида Республика Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Есемурот Канъязов. — Сайт яратилган кундан бугунга қадар тизимнинг ривожланиши босқичма-босқич амалга ошириб борилди. Айни кунда сайт мижозлар ва биз, соҳа ходимларининг талабига жавоб берадиган даражада такомиллашди, дейиш мумкин.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, Lex.uz миллий тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилган. Бундан ташқари, 1990 йилдан бошлаб бугунга қадар мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, кодекслар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш имконияти мавжуд. Қолаверса, Конституциявий суд қарорлари, Олий суд ва Олий хўжалик суди пленумлари қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари борасидаги маълумотлар ҳам сайтдан фойдаланувчиларни қизиқтириши табиий. Умуман олганда, мазкур миллий тизимдан жами 25 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрин олган. Ҳозирда тизимга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини киритиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

2009 йилга қадар сайтдан фойдаланиш пуллик эди. Бу эса сайтдан фойдаланувчилар сафининг кенгайишига бироз тўсқинлик қиларди. Шу боис, 2010 йил 1 январдан бошлаб маълумотлар миллий базасидан бепул фойдаланиш жорий этилди. Эътиборлиси, бу Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий тизимининг янги даврига асос солди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Lex.uz миллий тизими интернет тармоғи орқали бепул фойдаланиш имконини берувчи мамлакатимиздаги ягона ахборот-ҳуқуқий тизимдир.

Сайтдан фойдаланувчилар биринчи галда унинг тезкорлиги билан бир қаторда дизайнига ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Буни яхши англаган миллий тизим ходимлари сайтнинг кўринишни борасида тинмай изланишлар олиб боришди. Эндиликда сайтнинг барчага бирдек маъқул келадиган замонавий, миллий руҳдаги дизайни яратилди. Шу билан бирга, айни пайтда фойдаланувчилар энг оммабоп интернет браузерларидан фойдаланиш имконига эгалар.

Сўнгги пайтларда айниқса ёшларимиз орасида уяли алоқа интернетидан фойдаланиш урфга айланиб бораётганини ҳисобга олган мутасаддилар Lex.uznинг интернет-мобиль версиясини яратишди. Энди мобиль-интернетдан фойдаланувчиларнинг хоҳлаган вақтда, қаерда бўлишларидан қатъи назар, зарур маълумотларни олиш имкониятлари янада ошди.

Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда ёшларнинг билим даражасини ошириш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини мукаммал билишларида Lex.uz миллий тизими каби сайтларнинг ўрни ва роли кун сайин ошиб бориши табиий.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
«Hurriyat» мухбири

ХОТИРА – АЗИЗ

«...Дилда чўғ. Руҳу жон кўз ёшсиз йиғлайди.» Бу сўзлар узоқ йиллар «Дўстлик байроғи»ю «Навбаҳор тонги» газеталарида турли вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилган, кўплаб ҳамкасбларимизга соҳага оид йўл-йўриқларни беришдан толмаган; кейинчалик Навбаҳор туманидаги умумтаълим мактабларида оддий ўқитувчиликдан то директорлик вазифасигача лойиқ кўрилган, эл-улуснинг эътирофига сазовор бўлган, энг асосийси, қайси соҳа ва лавозимда ишламасин, ҳамиша қаламу ижод билан ошно яшаган инсонни эслаб айтилаётир.

«БИР КАФТ БУҒДОЙ» БЎЛДИ ЁЗГАНЛАРИ

Биламизки, Истиқлол бадиий ижод имкониятларини барчага кенг очиб юборди. Бугун вилоятларда яшаб қалам тебратаётган адиб ва шоирлар ҳам том-том асарларини китоб ҳолида чоп этишяпти. Афсуски, биз хотирлаётган устозимиз — Иноят Раҳмоннинг энг самарали ижод қилган даври ҳамма нарсада сунъий тўсиқлар яратиб қўйилган тоталитар тузумга тўғри келди. Шу боис ҳам унга бундай имкониятлар насиб этмади, лекин қаламининг қуввату қудрати — ижодий қиёфаси ўша даврларда чоп этилган «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Гулхан»у «Муштум» журналларида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳамда «Тошкент оқшоми» газеталарида ўқувчиларга ҳавола этилган ҳикоя ва очерклари орқали журналхон-газетхонларга яхши таниш. Ногаҳон муаллифнинг ўша пайтлар «Гулхан» журналида ўқиганим — «Бир кафт буғдой» номли иккинчи жаҳон уруши давридаги оғриқли ҳаётдан сўйлагувчи ҳикояси бор деталлари билан хотирамда жонланади. Бадиий тасвир воситаларидан ғоятда чиройли фойдаланиб ёзилган бу асарни ўқир экансиз, ижодкорнинг ноёб иқтидору салоҳиятига қойил қоласиз.

Устоз бир гал газетамизга «Қизилча тепалиги сири» номли қиссасининг бир неча бобини олиб келганди. Сирасини айтганда, бу асар Сармиш, Учтут ва Ижанд томонларда яшаган аждодларимизнинг қадим ҳаёт тарзидан, мозийнинг оғриқли кечмишларидан аниқ-тиниқ ҳикоя қилувчи лавҳалари билан хотирамда бутунлай муҳрланиб қолди.

Афсуски, умр поёнида битилган бадиий жиҳатдан пишиқ, тил услуби билан ҳам мукаммал яралган бу қисса, муаллиф томонидан ё ёзиб тугалланмади, ёки уни китоб ҳолида чиқаришга улгуролмади. Хуллас, бу борадаги орзулар орзулигича қолиб кетди. Яна бир афсус унинг оламдан ўтгани ҳақидаги совуқ хабарни ҳам жуда кеч эшитдик. Бироқ бугун чин дилдан эътироф этамизки, у арзирли умрни яшаб ўтган ҳамкасбларимиздан. Чунки турмуш ўртоғи Назира Нурназарова билан бирга тўрт ўғил ўстириб, уларни ўқитиб, олий маълумотли, оилали қилиб, неваралар кўрганининг ўзи бир бахт. Забардаст журналист, билимли, меҳрли устоз сифатида эл-юртига хизмат қилиб, халқнинг корига яраб, эътирофига сазовор бўлгани яна бир бахтдир...

Салима УМАРОВА
Навоий вилояти

ДАРАКЛАР

КЕМИРУВЧИЛАР ИНСОНЛАРНИ ҚУРБОН ҚИЛМОҚДА

Америкалик олимлар Калифорния штатининг Йосемити истироҳат боғида инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлган вирусни аниқладилар, деб ёзади «The Guardian» газетаси. Бунгача эса, ушбу вирусни 22 минг дам олувчи юқтириб олган бўлиши мумкин, деган тахмин бор. Мутахассислар фикрича, "хантавирус" деб аталаётган бу юқумли касалликни боғдаги кемирувчилар тарқатмоқда.



Вирус ҳаво орқали юқиш хусусиятига эга. Инсонларда мазкур касалликнинг дастлабки аломатлари 20 кундан кейин сезила бошлайди. Юқумли касаллик белгилари шамоллаш аломатларига жуда ўхшаш. Вирусни юқтирган киши бош оғриғидан шикоят қилади, тана ҳарорати юқори бўлиб, ҳолсизлик ва оғриқ кузатилади. Сўнгра елкада кучли оғриқ туради ва кўз хиралашади. Натижада инсон организмининг баъзи аъзолари буткул ишдан чиқади.

Йосемити истироҳат боғида ҳордиқ чиқариб, "хантавирус"га чалинган беморлардан уч нафари ҳалок бўлгани ҳақида маълумотлар бор.

САВДОДА ГАРРИ ПОТТЕРНИНГ «УЙИ»

Буюк Британияда антиқа ва қадимий уй сотувга қўйилди. Гарри Поттер ҳақидаги афсоналарга кўра, бу ерда мактаб директори Хогвартс Альбус Дамлдор ва жажжи сеҳргарнинг ўзи туғилган. Маҳаллий нашрлар тарқатган маълумотларга қараганда, кўчмас мулк 950 минг фунт стерлингга (1,2 миллион евро атрофида) баҳоланмоқда.

De Vere деб аталадиган бу уй Лавенгам шаҳрида жойлашган бўлиб, ундан "Гарри Поттер ва ўлим туҳфаси" фильмида афсонавий қишлоқни барпо этишда фойдаланилган. Мазкур бино Буюк Британия Бош вазирининг Лондондаги резиденциясидан кейинги энг кўркам бинолардан бири саналади.

De Vere XIV асрда қурилган. Уйнинг ҳозирги эгалари 20 йилдан буён шу ерда яшамоқда.

БОЛАЛАР УЧУН ИХТИРО

«Windows Phone 8» операцион тармоғида Kid's corner ("болалар бурчаги") деб номланган дастур жорий қилинди, дея хабар тарқатди «The Verge» нашри.

Мазкур дастурда болалар ота-оналар томонидан ўзларига рухсат этилган мусиқаларни, видеоёзувларни эшитиши, ўйин ва бошқа қизиқарли машғулотлар билан шуғулланиши мумкин.

«Windows Phone 8» тармоғи 2012 йил июндан истеъмолга чиқарилган. У NT ядроси ёрдамида қўлланилади. Ҳозирча операцион тармоқдан фақат Samsung ATIV S смартфони орқали фойдаланиш мумкин.

Жорий йилнинг сентябрь ойидан эътиборан «Windows Phone 8» тармоғи Nokia телефонлари учун ҳам жорий этилиши кўзда тутилган.

КЎЗ ЛИНЗАЛАРИ ЗАРАРЛИМИ?

Олимларнинг маълум қилишича, кўз линзаларидан фойдаланиш кўриш қобилиятини сусайтирадиган касалликларни келтириб чиқаради.



Бир ҳужайрали acanthamoeba микроорганизми ўзига кучли инфекция чақиради ва кўз соққаси, мугуз пардаси фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Бу инфекцияни даволаш узоқ вақт талаб қилади, кўп ҳолларда эса бемор кўз соққасини алмаштириш билан якун топади.

Шифокорларнинг таъкидлашича, касаллик тарқалишининг асосий омили линзалардан нотўғри фойдаланишдир. Шу сабабли линзаларга сув теккизмаслик, хусусан, улардан сузиш ҳавзаларида, ҳаммом ва сауналарда фойдаланмаслик мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, линзаларни сақлаш қоидаларига амал қилиш ҳам инфекциянинг олдини олади.

ВУЛҚОН НИМА ДЕЙДИ?

Никарагуада Сан-Кристобаль вулқонининг уйғониши туфайли оммавий эвакуация эълон қилинди, дея хабар тарқатди «France-Presse» агентлиги.



Маҳаллий ҳокимият буйруғига кўра, вулқон атрофидаги аҳоли пунктида яшаётган уч минг нафар аҳоли ўз бошпаналарини тарк этиши лозим. Шубҳасиз, хавф туғилаётган бошқа ҳудудларда ҳам эвакуация ҳолати жорий этилади, деб маълум қилган мамлакат Фуқаро мудофааси вазирлиги.

Ўтган шанба куни Сан-Кристобаль вулқонидан ҳавога қуюқ тутун ўрлай бошлаган ва вулқон қумлари беш минг метр баландликкача отилган. Олимларнинг тахмин қилишича эса, яқин вақт ичида бу кўрсаткич янада ошиши мумкин.

Сан-Кристобаль — Никарагуада энг фаол вулқонлардан бири саналади. Мутахассислар унинг уйғонишига 5 сентябрь куни қўшни Коста-Рикада 7,6 баллга тенг ер ости силкинишлари сабаб бўлган, дея баҳолашмоқда.

Шарҳ

БУТУН ОЛАМ МУАММОСИ

Глобал иқлим ўзгариши ёки Антарктида музликларининг эриши дунёнинг бошқа мамлакатларида акс-садо бераётганига жаҳоннинг нариги бир чеккасида содир бўлаётган табиий офатлар орқали гувоҳ бўлиб турибмиз



Дунё аҳолисининг муттасил ўсиши озиқ-овқат, ёнилғи ва кийим-кечакка бўлган эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлаётгани, бу, ўз навбатида, ўрмон ҳудудларининг қисқаришига, тупроқ тузилмасининг бузилиши, озон қатламининг камайиши ва, албатта, ҳаво ҳароратининг исишига олиб келаётир.

Табиий ва минерал хомашё захираларидан нооқилона фойдаланиш, улкан саноат корхоналарининг бунёд этилиши натижасида чиқиндиларнинг катта миқдорда чиқарилиши асосий сув ҳавзалари ва ер майдонларини ифлослантириб бўлди. Шунинг учун ҳам халқаро кузатувчилар кейинги йилларда мазкур муаммонинг янада кескинлашганини таъкидлай бошладилар. Биринчи навбатда тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масала бутун сайёра муаммосига айланди, десак, муболаға бўлмайди.

Она сайёрамизда экологиянинг тобора издан чиқаётгани Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва бошқа офатларни келтириб чиқармоқда. Натижада бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бораяпти. Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари, агар олди олинмаса, биринчи навбатда, Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралиянинг глобал иқлим ўзгаришлари туфайли жиддий ижтимоий можаролар ва муаммолар гирдобида қолажагини таъкидламоқдалар.

Ҳақиқатан ҳам глобаллашув жараёни жаҳон сиёсий маконининг янгича кўриниш олиши ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатаяпти. Шу билан бирга замонавий халқаро муносабатлар дунё халқлари ўртасидаги яқинлашув жараёнларини тезлаштириш, ҳамкорликни кучайтириш, мавжуд ижтимоий-сиёсий муаммолар, айниқса, минтақавий ва давлатлараро можароларни ҳал қилиш, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш, экологик хавфсизликни ҳамжиҳатликда таъминлашни талаб этаётир.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Ер атмосферасидаги йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиб боришига очиқ электростанциялар, автомобиль тутунлари, завод қувурлари ва бошқа ифлослантирувчи манбаларнинг ҳаво бўшлиғига йилига 22 миллиард тоннага яқин зарарли газларнинг чиқариши сабаб бўлмоқда. Чорвачилик, ўғитдан фойдаланиш, кўмир ёқилиши ва бошқа манбалар эса йилига 250 миллион тонна метан ҳосил қилаяпти. Энг ачинарлиси, инсоният томонидан ҳавога чиқариб ташланаётган барча иссиқлик газларининг ярмига яқини атмосферада қолиб кетмоқда.

БМТ ҳузуридаги иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи маърузасида таъкидланишича, XXI аср охирига бориб Ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража юқори бўлади.

Яна рақамларга кўз ташласак. Ер шари аҳолисининг ярмидан кўпроғи (6,9 миллиарддан 4,3 миллиарди) чучук сув етишмайдиган ва қурғоқчилик ҳукм сураётган ҳудудларда яшамоқда. Биргина Австралияда табиий ва инсон омиллари оқибатида суғориладиган ерларнинг 50 фоизи экин экишга яроқсиз ҳолга келган. Ноорганик минерал ўғитлар, гербицид ва пестицидлар белгиланган нормадан ҳатто ўнлаб баробар ортиқ миқдорда фойдаланилган сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида эса вазият бундан-да оғир. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмаяпти. Тупроқ таркибидаги намлик даражаси ортаяпти. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ҳам ернинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Дарҳақиқат, тупроқ ҳолати ва унумдорлигини ошириш билан боғлиқ масала барча мамлакатлар учун оғир муаммога айланди. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, сайёрамизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг ҳар йили 6-7 миллион гектари деградацияга учраб, муомаладан чиқиб кетаётгани ташвишланарли ҳолатдир.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва экология билан боғлиқ муаммолар Марказий Осиё давлатлари учун ҳам бегона эмас, албатта. Помир ва Тянь-Шандаги музликларни ўрганиш ҳамда асраш дастури муаллифлари хулосасига кўра, минтақадаги сув захираларининг 60 фоизини ташкил этувчи музликлар бугун хавф остида. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, биргина Федченко музлиги 1937 йилдан 2007 йилга қадар 1,5 километр узунлик ва 800 метр баландликда эриган. Сўнгги 60 йил давомида Марказий Осиёнинг жанубий қисмида ҳаво ҳарорати 1 даражага кўтарилгани музликлар эришининг жадаллашувига таъсир ўтказмай қолмаяпти. Иқлим исиши таъсиридан келгуси беш йил орасида тахминан 1,5 мингта катта-кичик музликлар батамом йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, сув тақчил бўлган ерларда бир хил экинларнинг такроран экилиши яқин тарихимизда йирик глобал экологик ҳалокатлардан бирининг содир бўлишига — сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бири — Оролнинг қуришига олиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баробардан кўпроққа қисқарди, сув ҳажми 10 маротаба камайди, унинг минералашуви эса худди шу миқдорда ошди. Бир пайтлар Оролбўйида кенг ривожланган балиқчилик саноати ўрнини камқонлик, ўткир нафас йўли хасталиклари эгаллаганини айтмаса ҳам бўлади.

Хуллас, экологик хавфсизлик ва глобал иқлим исиши муаммоси дунёнинг ҳеч бир давлати ёки халқига бегона эмас. Бир жойда рўй берган табиий офат эртага бошқа давлатга етиб бормаслигига ҳам кафолат йўқ. Орол денгизининг қуриб бориши, океанлардаги ҳароратнинг ўзгариши ва ёзда Антарктида музликларининг эриши дунёнинг бошқа мамлакатларида акс-садо бераётганига бугун жаҳоннинг нариги бир чеккасида содир бўлаётган табиий офатлар орқали гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундай экан, бирон-бир мамлакат ёки халқнинг она-табиатни асраб-авайлащдек савобли ишдан четда туришга ҳаққи йўқ.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТЛАР ХАВФИ

Электрон сигаретлар илк бор кашф қилинганида, чекишни ташлай олмай юрганлар кашандалар роса қувонганди. Афсуски, унинг ёрдамида хуморини ёзмоқчи бўлганларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Грек олимлари электрон сигаретларнинг соғлиқ учун ниҳоятда зарарли эканлигини аниқладилар.



Афиналик олимлар турли ёшдаги одамлар ёрдамида тадқиқотлар олиб бордилар. Бунинг учун 8 нафар илгари мутлақо чекмаган, 24 нафар чекувчи кўнгилли равишда танлаб олинди. Улардан 11 нафари енгил, 13 нафари доимий равишда нафас қисиши хасталигига дучор бўлдилар. Ҳар бир иштирокчи ўн минутдан электрон сигарета чеккан. Тадқиқотчилар бир неча тестлар ва спирометр орқали нафас йўлларидаги ўзгаришларни кузатиб, электрон сигареталарнинг зарарли эканлигини исботлаб берганлар.

40 ЙИЛЛИК ПИШЛОҚ

Америкалик пенсионер ўзи ишлайдиган озиқ-овқат музхонасидан қирқ йил бурун ишлаб чиқарилган пишлоқни топиб олди. Никсон президентлик даври ва Аполлон-17 космик кемаси учирилган пайтларда ишлаб чиқарилган бу пишлоқ октябрь ойининг бошида савдога чиқарилади.



28-, 34- ва 40- йиллик маҳсулот Висконсин штатидаги Оконто магазинининг эгаси бўлган Эдвард Занга тегишли. Бу қария пенсияга чиқиш тараддудида дўконини йиғиштираётган эди. Қарасаки, музхонанинг бир бурчагида пишлоқ бор экан.

Уни татиб кўриш ва сотиш 6 октябрга белгиланган. Оғирлиги 9 килограмм бўлган бу маҳсулотнинг килоси 350 доллар деб баҳоланмоқда. Ана пишлоғу мана пишлоқ, еганлар дармонда, емаганлар армонда. Энг қизиғи Висконсиннинг пишлоқхўр сичқонлари доғда қоладиган бўлди.

КИТОБ ЎҒРИСИ ҲАМ ЎҒРИ-ДА

Чикаго марказий кутубхонаси жавонидан Оскар Уайльднинг "Дориана Грея портрети" романи яна жой олди. Бу машҳур роман 1934 йили ўғирлаб кетилган эди. Китобни Харлин Хоффман Вижн шахсий кутубхонасида сақлаётгани маълум бўлди.

Вижн хонимнинг айтишича, китобда жамоат кутубхонасининг муҳрини кўргач, уни қайтариш тараддудига тушиб қолган. Харлин Вижн кутубхона маъмурияти ўғирланган китобларни қайтарганларга уч ҳафталик "амнистия" эълон қилганини эшитгач, дарҳол йўлга тушган.

Мамлакат қонунларига кўра, агар Вижн китобни "амнистия" эълон қилинмаган кунда қайтарганда, унга олти минг доллар миқдорида жарима солишлари мумкин эди. Бундай "китоб амнистияси" Чикаго кутубхонасида йигирма йил аввал ҳам қўлланган эди. Ўшанда 77 минг китоб кутубхонага қайтарилган.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

АЭРОДРОМЛИ ҚАСР

Бельгиянинг Марш-эн-Фаменн шаҳри атрофида XIII асрда бунёд этилган тарихий қаср 25,5 миллион евро баҳоланмоқда.

Қалъада 80 та ётоқхона бўлиб, уларнинг барчаси такрорланмас кўринишга эга. Шунингдек, бу ерда кичик ибодатхона, кинотеатр, бильярд, учта бар, ёпиқ бассейн, сауна, вертолёт учун аэродром, отхона ва 150 автомобилга мўлжалланган авто тураргоҳ мавжуд.

Бино ўтган йилги қайта таъмирдан кейин, бугун ажойиб кўриниш касб этган.

Ер тузиш ва кадастр хизмати Юнусобод туман бўлими томонидан Зоиров Толкун номига берилган Исломобод, 1- тор кўчаси, 28-уйнинг кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Инсон ўзинг, инсон ўзинг

Шахс — ижтимоий ҳодиса

Инсонни ўрганиш, унга тугал илмий таъриф бериш муаммоси инсоншунослик билан боғлиқ бўлган ижтимоий фанларнинг барча соҳалари учун абадий жумбоқ, чексиз-чегарасиз мунозаралар оламидир. Зотан, бир неча минг йилларки, не-не олимлару фозиллар, донишмандлару алломалар одамнинг моҳияти, унинг пайдо бўлиши, ижтимоий ҳодиса сифатидаги воқелиги ҳақида мунозара қилади, мушоҳада юритади, ўрганади ва тадқиқ этади. Антик давр файласуфлари ҳам инсон муаммосига турлича ёндашишган. Ушбу ғоят мураккаб, доимий равишда ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этиб борадиган, сирли-синоатли бу жонзот оламини катта қизиқиш билан ўрганишга интилишган.

Донишмандлар асрлар мобайнида инсоннинг ички олами, маънавий-руҳий дунёси, феъл-атвори, атроф-муҳитга муносабатини ўрганиш орқали унга турлича баҳо беришган.

Инсон тушунчаси бутун моҳияти билан ижтимоий воқеликни ўзида ифода этади. У бевосита инсоният ҳаёти ва кишилик жамияти моҳиятидан келиб чиқадиган мазмунга эга.

Бир қарашда инсон ҳам бошқа жонзотлар сингари битта биологик мавжудот. Бироқ, унинг интеллектуал имкониятлари, ҳис-туйғулари, муҳаббат ва нафрат тушунчалари орқали оддий биологик мавжудликдан юқори даражадаги, жонзотлар орасида олий мақомга эга бўлган ижтимоий воқелик сифатида ўзини намоён этади.

Албатта, инсон табиатнинг бир бўлаги. Унинг шаклланиши, ривожланиши ўта мураккаб, зиддиятли ва айни пайтда изчил, тадрижий ва доимий давом этадиган жараён. Шунинг учун ҳам инсоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги мунозаралар ҳали-ҳамон тугаган эмас. Бугунги замонавий цивилизациянинг бош муаллифи сифатида ўзини намоён этаётган инсоният оламининг шаклланиш даври бир неча миллион йилларни қамраб олади. Илк ақлли одамнинг пайдо бўлишидан тортиб XXI асрнинг глобал ижтимоий воқеликларигача бўлган маҳобатли вақт ҳам бир неча миллион йиллик масофани ташкил этади.

Инсоният тараққиётнинг энг юксак чўққисига чиқди, ҳаёт энди ана шу нуқтада бир маромда давом этаверади, десак, хато қиламиз. Чунки кундалик ҳаёт ҳар бир инсон учун алоҳида мактаб, алоҳида тажриба, чексиз-чегарасиз синов майдони.

Хўш, инсонга таъсир ўтказувчи, уни тинимсиз тараққий этишга мажбурлайдиган ижтимоий шароит нималардан иборат?! Бу саволга жавоб бериш учун дунёга келган чақалоқнинг ҳаётга интилиши ва яшаши учун етарли шароит зарурлигини назарда тутмоқ лозим бўлади. Ҳали ҳеч нарсага ақли етмайдиган, ҳали илк тасаввур куртаклари мавжуд бўлмаган бир ҳолатдан ақлий муносабатлар шаклланиб борадиган жараённи назарда тутсак, жонзотнинг одамга айланиш жараёнини аниқ кўришимиз мумкин. Бироқ, бу фақат инсон боласигагина берилган имконият. Бошқа жонзотларда бундай имконият йўқ. Ана шу нуқтаи назардан бола — бу инсон бўлиш имконияти. Айни пайтда бу имкониятнинг ҳақиқатга, ижтимоий воқеликка айланиши ижтимоий ҳодисадир. Бу эса фақат одамлар орасида юзага келиши мумкин. Дейлик, ота-она, қариндошуруғ, улардан олинадиган тарбия боланинг илк нафасидан бошлаб тўлақонли ривожланишига ёрдам берадиган шарт-шароитлар ҳисобланади.

Умуман олганда олманинг тагига олма тушади. Отдан от, илондан илон туғилади. Одамдан эса одам. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. **Лекин фақат одам боласигина ижтимоий шарт-шароитлар туфайли инсонга айланади, инсон бўлиб шаклланади.** Одам боласи генетик, биологик, физиологик ва интеллектуал жиҳатдан камолотга эришиш, ривожланиш қувватига эга. Лекин у оила ва кишилик жамияти, ҳеч бўлмаганда, маҳалла муҳитидан узоқлашса, ўз моҳиятини йўқотади. Ўрмонда ёки қайсидир ҳайвонлар доирасида яшаса, ҳайвоний инстинкт кучайиб боради. Тил ва сўзлашув имкониятларини йўқотади. Фақат инсонгагина хос бўлган фикрлаш, муносабат билдириш, тушунтириш ва тушуниш қобилиятидан, ақлий салоҳиятдан мосуво бўлади. Охир-оқибатда Одам бўлиб шаклланмайди.

Кишилик тарихи шундан далолат берадики, инсон ҳамиша, ҳар қандай даврда, ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳаёти учун курашган, яшашга интилган, яратувчилик имкониятлари туфайли ҳаётий шароитларини, турмуш тарзини яхшилашга сафарбар этган. Бунинг учун у ўзида ички талаб, ички эҳтиёж сезади, зарур бўлса одамлараро муносабатларни, фойдали ҳамкорликни йўлга қўяди. Эҳтиёж туғилганда кимгадир қаршилик кўрсатиши ёки қайсидир қарама-қаршиликларни енгиб ўтиши мумкин. Ана шу ички қудрат, рағбат, интилиш ва ҳиссиёт кучи инсонда даҳолик куртакларини ривожлантиради. Даҳолик ҳисси эса, том маънода инсон феноменидаги муҳим асос, битмас-туганмас куч-энергия бериб турувчи омил ҳисобланади.

Инсоннинг даҳолик қудрати унинг фикрлаш тарзида, ақл-заковатида намоён бўлади.

Ижтимоий ҳаёт хилма-хил глобал муаммолар гирдобида қолган, бутун инсоният ҳаёти ва истиқболига турли шакл ва мазмундаги таҳдидлар кучайиб бораётган бир пайтда инсоннинг ўта мураккаб олами, унинг сирли ва синоатлилиги, беқиёс қудратга эгалиги кўз ўнгимизда яққолроқ аксини топади. Буни қарангки, ушбу умуминсоний муаммоларни юзага келтирган глобал таҳдидларнинг бош муаллифи ҳам инсоннинг ўзидир.

Кундалик ҳаётда манфаатпарастлик, ҳудбинлик, таъмагирлик, турли ахлоқий-маиший бузғунчиликдан тортиб атроф-муҳит, бутун табиат, ҳатто космосни ўзлаштириш ва уни қайсидир сиёсий манфаатлар қуролига айлантиришгача бўлган улкан занжир, яхлит тизимнинг мавжудлиги бевосита инсон даҳолик қудрати тафаккур орқали, ақл-заковат орқали намоён бўлишининг ёрқин мисолидир.

Бироқ, масаланинг кўнгилга таскин берадиган, эртанги кунга ишонч уйғотадиган жиҳати шундаки, инсон ҳамиша айни ана шу тафаккур ва ақл-заковат орқали иккинчи маҳобатли табиатни — **гўзаллик, эзгулик, муҳаббат туйғуларини ўзида мужассам этган ҳолда инсоний табиат улуғворлигини яратади, шакллантиради ва ривожлантиради.** Таназзуллар, инқирозлар, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, урушлар, қон тўкишлар инсоннинг бахтли турмушига қанчалик зиён келтирган бўлса, ақлий тажрибаси, ҳаётий кўникмаси ва ички ирода такомилига ҳам шунчалик катта таъсир ўтказган. Ақлни ишлатиб яшашга мажбур этган.

Кўпчилик файласуфлар ва донишмандлар, жумладан, Ғарбда Гоббос, Гольбах, Гельвиций, Шаркда Форобий, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Нажмиддин Кубро, Имом Ғаззолий, Алишер Навоий ва бошқалар инсоннинг жонзот сифатидаги феноменини тадқиқ этишган. Улар инсон оламини ўрганишда ва унга таъриф беришда бетакрор ғояларни илгари суришган. Бир-бирига ўхшамаган, салмоқли фикрларга асосланган кашфиётлар қилишган.

Юқорида номлари зикр этилган Ғарб алломалари инсонни ижтимоий воқеликдан ажратиб олган ҳолда ва ҳар бир тирик жоннинг ўз олами, маънавий-руҳий дунёси ва муносабатлари доирасида тадқиқ этишган. Бундай ёндашув ўз-ўзидан инсоннинг моҳиятини бирмунча пасайтиради, унинг мазмунини саёзлаштиради. Чунки ҳар қандай инсон, хоҳлаймизми-йўқми, жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Демак, у ўз муносабатлари, феъл-атвори, фикр-мулоҳазалари билан ижтимоий муҳитга таъсир ўтказади. Фикрнинг тўғри ё нотўғрилиги, феъл-атворнинг мукаммал ёки номукаммаллиги, муносабатларнинг яхши ё ёмонлигидан қатъи назар, ўз дунёқараши ва руҳий имкониятлари доирасида атрофидагиларда таассурот қолдиради. Якка-якка шахсларнинг ёки индивиднинг ана шундай дунёқараши, интеллектуал салоҳияти ва ахлоқий-маънавий имкониятлари орқали яхлит жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси шаклланади. Нажмиддин Кубро ибораси билан айтганда, "Олами куброда неки бор, олами суғрода бор". Демак, ташқи оламда неки бўлса, инсоннинг ички оламида барчаси бор. Довуллар, тўфонлар, зилзилалар билан бирга қуёшу юлдузлар, сарин еллару юракни ҳаприқтирувчи гўзалликлар инсон қалбида яшайди. Фақат инсон бутун борлиқаро ўзининг ҳиссий олами, туйғулари, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик ҳислари билан алоҳида ажраладики, буни Фейербах табиатнинг ҳиссий предмети деб атайди. Аммо барибир, Нажмиддин Кубро фалсафаси моҳиятан кенгроқ, мазмунан салмоқлироқ ва асослироқдир. Чунки, **инсон яхлит табиатнинг бир бўлаги бўлсада, айни ана шу борлиқни ўз оламида тўлиқ жамлаб, уни ҳиссий ва ақлий имконият орқали моддий неъматга айлантира оладиган буюк ва ноёб мавжудотдир**.

Инсоншуносликнинг яна бир йўналиши бевосита инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ. Демак, инсонни ўрганиш бу — ижтимоий муносабат муаммоси. Чунки айни ана шу ижтимоий муносабат оқимида ҳар бир инсон ўзининг ақлий имкониятини, маънавий-руҳий даражасини намоён қилади. **Инсон тушунчаси алоҳида шахс ёки индивид тушунчасидан кенгроқ ва мураккаброқдир. Чунки бир хил ижтимоий шароитда турли одамлар ўзининг қиёфасини, фақат ўзигагина хослигини намоён этади. Инсоншуносликнинг эса яхлит инсоният ва унинг моҳиятини ўрганади**.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсон индивидуал олам. Ношуд одам ҳар қандай ижтимоий шароитда ҳам ношудлигича қолаверади. Ёки аксинча, кучли шахс ҳар қандай шароитда ўз иқтидорини намоён этади. Дейлик, Беруний ёки Навоий Беруний ва Навоий бўлиб туғилган, вассалом. Ҳар қандай одамдан Беруний ва Навоий чиқавермайди. Ҳатто бир даврда, бир хил ижтимоий муҳитда яшаб ўтган, интеллектуал салоҳияти ва истеъдоди даражаси бир-биридан кам бўлмаган Беруний ва Ибн Сино ҳам бир-бирини такрорламайди.

Даҳолик қудрати — ноёб воқелик. Бу улкан имконият фақат унинг маҳсулигина, холос. Худди ана шу жиҳати билан ҳам буюк шахс ўзига хос буюк ижтимоий моҳиятга эга бўлади. Албатта, ана шу ерда Беруний ёки Навоий тасодифий ҳодисами, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Йўқ! Берунийнинг ҳам, Навоийнинг ҳам буюк кашфиётлари ва ҳайратомуз ижоди маҳсули айни ана шундай илмий ва ижодий асос мавжудлигидан келиб чиққан. Агар улар истеъдодининг ривожланишига, камолга етишига ва умуминсоний қадрият даражасига чиқиши учун етарли илмий ва маданий муҳит бўлмаганида эди, улар ўз даврининг оддий одамлари қаторида қолишлари мумкин эди. Ана шу ерда ижтимоий муҳитнинг роли кўзга яққол ташланади ва бу муҳит даҳолик қудратининг, буюк истеъдоднинг беқиёс ривожланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Албатта, **буюк шахснинг юзага келишида ички ирода, баркамол ва етук камолот қуввати, маиший ҳаётдаги қийинчиликлар, тўсиқлар, зарбалар ва турли маънавий-руҳий таъсирларни енга оладиган юксак ақлий салоҳият катта роль ўйнайди. Бундай пайтда ақл ва ирода инсонни барча офатлардан асрагувчи ва буюк мақсад сари даъват этгувчи беқиёс руҳий қувват вазифасини бажаради.** Афсуски, бундай руҳий қувват ҳаммада бирдай эмас. Ношуд одамнинг руҳи ношудроқ, майиб-мажруҳроқ, кучли шахснинг руҳи кучли, қатъий иродага айланган ички қувватдир. Ана шу ерда инсонни руҳ бошқаради, деган қарашлар ўз исботини топади. Демак, ақл, заковат руҳ манбаи, руҳ эса инсонни бошқарувчи, йўналтирувчи, рағбатлантирувчи, янгидан янги тўсиқларни осонлик билан енгувчи беқиёс қудрат! Бундай фикрни аждодларимиз Умар Хайём, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий ўз вақтида олий мақомда билдиришган.

Инсон биологик-ижтимоий воқелик, дедик. Шахс эса тўлақонли ижтимоий моҳият тимсоли. Чунки ҳар қандай инсон жамият орқалигина, ижтимоий муносабатлар туфайлигина шахсга айланади. Ана шу ерда бошқача хулосага келиш мумкин: **ҳар қандай шахс — инсон, ҳар қандай инсон эса — шахс эмас.** Инсоннинг шахсга айланиши учун унда кўп нарсаларга эҳтиёж сезилади. У ҳаёт моҳияти ва ақл-заковатини бошқалардан кўра кўпроқ намоён этиш имкониятларига эга бўлмоғи лозим. Энг аввало, ақл инсонни шахсга айлантирадиган муҳим восита сифатида ўзини намоён қилиши керак. Ёки бошқача қилиб айтганда, **ақл, тафаккурнинг устуворлигини ва беқиёс имкониятларини намоён қила олган инсонгина шахсга айланади.** Бунда инсон ўз-ўзини англаши, ўзини буюк мақсад сари йўналтира билиши, бошқара олиши, атрофидагиларнинг диққатини ўзига торта билиши ва уларга таъсир эта олиши жараёнида ўзини шахс сифатида намоён қилиши мумкин.

Шахснинг яна бир ўзига хос белгиси бу — жамиятда ўз ўрнига эга бўла олиш, маълум бир мавқега, яъни мартабага эриша олишдир. Бу ҳам, албатта, ақл ва тафаккур билан боғлиқ бўлган ҳодиса. Чунки ақлли одам жамиятда мўлжал олиш, маълум бир мақсад йўлида ўзини сафарбар эта билиш имкониятига эга бўлади ва айни пайтда жамиятга фойда келтиради. Ана шунда у яратган қадриятлар бевосита шахс қадриятига айланади. Дейлик, Беруний ёки Навоий айни ана шу беқиёс имконияти, билим ва истеъдоди туфайлигина бутун инсоният ҳаётига ва истиқболига тегишли бўлган буюк қадриятларни ярата олди ва ўзи ҳам беқиёс қадриятга айланди.

Ҳақиқий баркамол шахс ҳар қандай қадриятларни қадрлай олади, ҳурмат қила билади ва айни пайтда ўзига нисбатан ҳурматни ҳам талаб қилади.

Аниқ хулосага эга бўлмаган инсон ижтимоий ҳаётда аниқ ўринга эга бўлолмайди. Бундай одамлар учун ижтимоий моҳиятга эга бўлиш, ижтимоий қадриятга айланиш ҳақида гапириш ҳам ўринсиздир. Воқеа-ходисаларга ўз муносабатини билдира олмайдиган, бошқалар фикри билан яшайдиган, вазиятга қараб иш тутадиган, ўта юмшоқ ва ношуд инсон шахс бўлиб етиша олмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай шахс ўз қиёфасига, ўз хулосасига, ҳар қандай вазиятдан чиқа олиш иқтидорига эга бўлади.

Шахснинг бутун қадриятини белгилайдиган омиллардан яна бири бу бевосита ўзининг ҳар бир фикри ва хатти-ҳаракати учун жавобгарликни чуқур ҳис қилиш ва тушунишдир. Айни ана шу фазилат шахснинг жамиятдаги ўрнини, мавқеини, обрў-эътиборини белгилайди. Жавобгарлик ҳисси, дахлдорлик туйғуси, миллат ва жамият олдидаги улкан мажбуриятни чуқур ҳис қилиш ва энг муҳими, ушбу жавобгарлик ва мажбуриятни ижтимоий ҳаётнинг реал воқелигига айлантириш шахснинг бутун қадриятини белгилайдиган асосий омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, инсон — биоижтимоий воқелик, шахс эса ижтимоий ҳодиса. Шахснинг ўзига хос белгиларидан яна бири унинг ижтимоий мўлжалларга эгалиги ҳисобланади. Чунки у ҳудди ана шу мўлжаллар туфайлигина жамиятда маълум мавқега эга бўлади. Жамият тараққиётига ҳисса қўшади. Ўз фаолиятида кўпчиликнинг мақсад ва манфаатларини мужассам этади. Ана шунда шахс битта инсон қадрияти доирасидан чиқиб, умуммиллий қадриятга айланади.

Шу жиҳатлардан олиб қараладиган бўлса, мамлакатимиз миқиёсида ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар замирида ҳам жамият учун етук, салоҳиятли инсонларни тарбиялашга қаратилган эзгу мақсадлар ётибди. Бу эса ўзининг буюк келажагини яратаётган Ўзбекистон учун жуда муҳим масаладир.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Ёнғин хавфсизлиги

ҲАМ обод этайлик, огоҳ бўлайлик

Пойтахтимизда қурилиш, ободонлаштириш ишларини ҳар гўшада кузатиш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Бу жараён ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам катта масъулиятни юклайди. Чунки қурилиш меъёр талабларининг бузилиши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик аксар ҳолларда кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Қурилиш майдонларининг доимий ҳолда ёнувчи чиқиндилардан тозаланиши, қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик, ҳудудда очиқ олов ёқилишига, кислород-газ баллонлари, бўёқлар, карбид каби тез ёнувчан материалларнинг бирга сақланишига йўқ қўймаслик келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олади. Шунингдек, электр-газ пайвандлаш ишларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, қурилиш ҳовлисидаги вагончаларни ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида ўрнатилиши ва уларга электр тармоқларини талаб даражасида уланишини таъминлаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шу ва шу каби талабларга риоя қилиш орқали қурилишларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлардан ва кўнгилсиз вазиятлардан асраш мумкин.

О.ХОЛХЎЖАЕВ,
Миробод туман ИИБ ЁХБ ДЁН инспектори

Тўғри маслаҳат — тадбиркорга таянч

Корхонам кафил бўлса...

Хусусий корхона раҳбариман. Яқинда танишим менга мурожаат қилиб, банкдан кредит олмоқчилигини, корхонам кафил бўлишини сўради. Агар хусусий корхона бу ҳолатда кафил бўлса, кейинчалик кредитнинг қайтарилмаслиги ҳолати юзага келганда жавобгарликка тортиладими?

А.Рустамов
Қизилтепа тумани

Жавоб: *Фуқаролик кодексининг 292-моддасида кўрсатилганидек, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.*

Кодекснинг 293-моддасига кўра, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, мабодо қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши кўзда тутилган бўлмаса, кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб беради. Жумладан, фоизларни, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Ана шунинг учун ҳам корхона ва ташкилотлар раҳбарлари кафиллик шартномасини тузишда барча жиҳатларга аҳамият беришлари шарт.

Кафиллик қайси ҳолларда бекор бўлади?

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Илгари бир мажбурият бўйича кафил бўлганман. Айтинг-чи, кафиллик қайси ҳолларда бекор бўлади?

Н.Раҳматова
Навоий шаҳри

Жавоб: *Фуқаролик кодексининг 298-моддасига кўра, кафиллиги таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек, ушбу мажбурият кафил бўлган томоннинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга сабаб бўлган тақдирда кафиллик бекор деб ҳисобланади.*

Бундан ташқари, кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа шахсга ўтказилганида (агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса), шунингдек, таъминлаган мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортса, кафиллик бекор бўлади.

Қолаверса, шартномада кўрсатилган кафиллик муддати ўтганидан кейин кафиллик тугаган ҳисобланади. Агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, кредитор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзғатмаган тақдирда, кафиллик бекор қилинади. Агар асосий мажбуриятни бажариш вақти тугаган ва белгиланиши мумкин бўлмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, кредитор кафиллик шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йил мобайнида кафилга нисбатан даъво қўзғатмаган тақдирда, кафиллик бекор бўлади.

Кафил ва қарздор ўртасидаги низо

Қарздор кредитор олдидаги ўз мажбуриятини бажармаган ва мавжуд қарздорлик кафил томонидан қопланган ҳолларда кафил ва қарздор ўртасидаги низо қай тариқа ҳал қилинади?

Т. Атоев
Навоий шаҳри

Жавоб: *Ушбу масала ҳақида Фуқаролик кодексининг 295-моддасида сўз юритилган. Унда мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтиши белгиланган. Бундан ташқари, кафил кредиторга тўлаган суммага фоизлар тўлашни ва қарздор учун жавобгарлик муносабати билан кўрган бошқа зарарларини қоплашни қарздордан талаб қилишга ҳақли.*

Гаров мулки бўлмаган шахсларга кредит бериладими?

Банкдан кредит олмоқчи эдим, лекин ҳозир айни вақтда банкка гаров сифатида қўйиш учун ҳеч қандай мулким йўқ. Айтинг-чи, гаров мулки бўлмаган шахсларга ҳам кредит бериладими?

Н. Ҳусенова
Навоий шаҳри

Жавоб: *Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, гаров мулки бўлмаган шахсларга кафиллик шартномалари асосида кредит маблағлари берилиши мумкин. Мазкур кафиллик шартномаларининг қонунийлиги ва банк таваккалини камайтириш ҳамда кредит олувчининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, кредит ва қарз олувчига нисбатан қонунда белгиланган тартибда ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрсатиб ўтилган.*

Саволларга Навоий шаҳар нотариуси
Ш. МАҲАМОВ жавоб берди.

ИФТИХОР

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАЙДА БОР?!»

Публицистика

Агар бола туғилса, бешикдаги гўдак чинқириб-чинқириб йиғласа, билингки, хурсандчилик. Шажара, сулола, ҳаёт давом этяпти дегани бу.

Эҳтимол, у Ўзбекистоннинг ўттизинчи миллион ёки ўттиз биринчи миллион фарзандидир. Демакки, Ўзбекистон оила қўрғони кенгаймоқда. Болажон, болапарвар халқимизнинг сафи метиндек мустаҳкамланмоқда.

Илк бор билим даргоҳига қадам қўяётган болакайнинг кўнгли чоғ. Илм олиш сари чоғланган юрт боласининг сумкасини, ўқув қуроллари ва дарсликларини шахсан Юртбошимизнинг ўзлари олиб беряпти. Дунёдаги ҳеч қайси бир давлатда бундай олижаноблик йўқ.

Тинчлик, осойишталик, барқарорлик — Ўзбекистонда, ўсиш, тараққиёт — Ўзбекистонда, халқаро сиёсий тадбирлар, йиғин, симпозиумлар - Ўзбекистонда, барака-хайр, тўкин-сочинлик, маъмурчилик — Ўзбекистонда. Дунё тан беряпти, жаҳон лол қоляпти.

Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" Ўзбекистон тараққиётида ёрқин бурилиш, истиқбол йўли сари янгича шаҳдам қадам бўлдики, мақсади инсон манфаати, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тинчлигига қаратилган бу ҳужжат ҳозирда дунё давлатлари диққат-эътиборини тортмоқда.

Ўзбекистонда муқаддас зиёратгоҳлар, қадимий обидалар кўп. Бу масканларни сақлаш, янада обод ва кўркам қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ютуқ-юксалишлар дебочаси ана шу қутлуғ ният, эъзоз ва эҳтиром ҳосиласидир, балки. Халқимиз бундай муқаддас ва табаррук жойларни тавоб айлаб, дуои-фотиҳалар қилишмоқда. Дуода эса гап кўп. Дуо билан эл кўкарар, деб бежиз айтилмайди.

Фарғона туманидаги "Сойбўйи" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи 93 ёшли меҳнат фахрийси Ҳамроқул ота Суяровни бир йўқлаб қўйиш баҳонасида уйларига борсам, отахон дуога қўл очдилар:

— Ўзбекистон — Ўзбекистон, Ўзбекистон бўлиб кетди. Етти иқлимга машҳур юртимизга кўз тегмасин. Юртимизда доим тинчлик-омонлик, барака-хайр, дастурхонимизда тўкин-сочинлик, осмонимиз мусаффо бўлсин!..

Ўғлим Мансуржон машинасида мени бир сайр қилдириб келди. Фарғона, Марғилон, Олтиариқ дегандай... Ишонасизми, Фарғонадаги қурилиш, бунёдкорлик ишларини кўриб, оғзим ланг очилиб қолди. Шу ёшга кириб, бундай қурилишни кўрмаган эдим, уч жойда тўхтаб, ишлаётганларни дуо қилдим. Фарғонамизга кўз тегмасин.

Юрт тўлибди, кўча-кўйга одам сиғмайди-я. Тавба, одамдан мошин кўп. Янги асфальт йўлларда ўзбекнинг автомобиллари ғизиллайди-да... Бозорларни айтинг, ноз-неъматларга тўлибтошибди. Топилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ...

Отахон шарақлаб кулди. Сўнг, пахмоқдек соқолларини силар экан, тинчлик бўлсин, нон сероб бўлсин, ҳеч ким кам-кўстлик кўрмасин, дея пичирлади...

Ҳа, Ҳамроқул ота каби фариштадек нуронийларнинг дуои-фотиҳалари билан Ўзбекистонимиз бундан-да гуллаб-яшнайверади.

Одамнинг дили яйраганда тўлибтўлиб шеър ўқигинг келади. Шу дам оташнафас шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг ўтли сатрлари ёдимга тушди:

Бизнинг бўстон қайда бор,
Шоҳимардон қайда бор,
Сўлим Сурхон қайда бор,
Самарқанд нон қайда бор,
Ўзбекистон қайда бор?

...Фарғона туманида 9 та коллеж бўлса, бу йил уларни 2641 нафар ёшлар битиришди. Уларнинг ҳар бири — эзгулик, келажак, тараққиёт, яратиш, яшнатиш тимсоли. Ўқийман, ишлайман, Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлайман, озод ва обод Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаман, деб турибди. Ҳар бир маърузаларида: "Ёшларимиз камолот эгалари, эртамиз давомчилари, ишонган тоғларимиз" дея уларга юксак ишонч билдираётган, меҳрибонлик қилаётган Юртбошимиз фарзандлари бу ишонч, бу умидни оқлашади, албатта.

Президентимиз Ислом Каримов шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда қуйидаги сўзларни бежиз тўлқинланиб сўзламади: "Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга киряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман". Бу сўзлар замирида навқирон авлодга қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканлигига ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ. Юраги қайноқ, кўзлари чақноқ бугунги ёшлар Имом Бухорий, Имом ат Термизий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Бобур... каби буюк алломалар изидан боришларига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

Ислом КАРИМОВ

Фарғона вилоятидаги коллежларнинг бу йилги битирувчиларидан 1037 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирибди ва улар шу мақсадда ҳаракат қилишмоқда. Бу ёшларга давлат банклари томонидан 2,5 миллиард сўм кредит берилмоқда. Фақат ана шу биргина қулайлик эвазига вилоятда 821 та янги иш ўрни вужудга келади.

Фарғона туманининг узоқ Гулшан қишлоғида яшовчи Абдушукур Ўринбоев ҳамқишлоқлари ва тумандошларини ҳайратга солди. У Фарғона политехника институтининг информатика ва ахборот технологиялари факультетини битириб, Тошкент давлат компьютер технологиялари институтининг магистратурасини тамомлади. Фарғона шаҳридаги компьютер технологиялари коллежида ўқитувчилик қилаётган ёш йигит ФарДУ қошидаги академик лицейда инглизчани ўрганди. Энг аҳамиятли томони шундаки, А.Ўринбоев Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ҳар йили ўтказиб келинадиган ITES дастурида "Келгуси авлод тармоқ технологиялари ва келажакдаги йўналишлари" соҳаси бўйича ғолиб бўлди. Айни пайтда у Деҳли, Мумбай шаҳарларида ўз малака ва тажрибасини оширмоқда. Абдушукур Ўзбекистондан фақат бир ўзи бу шарафга лойиқ бўлиб, турли миллат йигит-қизларига: "Мен — Ўзбекистонданман!" — дея фахрланмоқда.

...Тумандаги "Охун Аббос асал" хусусий корхонаси "Агробанк"нинг Водил бўлимидан 50 миллион сўм кредит олиб, асал етиштиришни кенгайтирмоқда. Бу атиги битта мисол, холос. Асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик, иссиқхоналар ташкил этишга давлатимиз раҳбарлари бу қадар жон куйдиришлари, қайғуришлари, ғамхўрлик кўрсатишлари бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг қайси вилоят, тумани, шаҳари ва қишлоғига борманг, кўзингиз қувнайди. Обод ва гўзал. Далаларида эса экинлар яшнамоқда. Яқинда комбайнлар ўкириб буғдой ўрган майдонлар шудгорланмоқда, оппоқ пахтазорларда йиғим-терим авжида. Боғлари шарбатга тўлган. "Тақдиримсан, бахтимсан, озод ва обод Ватан!" дея, бундай бахтдан тўлқинланасан.

Собир ДАДАХЎЖАЕВ,
журналист

МУТОЛАА

Тоғлар орасида бир қишлоқ бўларди. Бу манзилнинг Александр Македонский йилномаларида қайд қилинганини эътироф этишар, халқ қасоскори Муқанна ҳам шу атрофдаги ғорда жон сақлаган эди. Улуғ Темурбек ҳам ўсмирлик йилларида бу гўшада кўп бўлган, ҳатто ўша ғор Соҳибқирон номи билан аталарди. Ҳазрат Алишер Навоий эса "Сабъаи сайёр" достонида учинчи иқлим йўлидан келтирилган мусофир тилидан мазкур ғор васфига бир неча байт бағишлаган. Ана шундай улуғ зотлар назарига тушган қишлоқ ўтган асрнинг 70-йилларида чўлларни ўзлаштириш баҳонасида ёппасига кўчирма қилинди. Тошқўрғон қишлоғи аҳли ана шу вақтдан бери янги маконда умргузаронлик қилаяпти, бироқ унинг тарихи, бой ўтмиши одамларнинг хотирасидан кўтарилгани йўқ...

ХОТИРАГА ҚУВВАТ БЕРГАН СОҒИНЧЛАР



Публицист, ёзувчи Ҳаким Сатторий Тошқўрғоннинг ўтмиш ва бугунини умумлаштирган янги асар ёзди. Асардан парчалар "Шарқ юлдузи", "Соҳибқирон юлдузи" журналларида эълон қилинганди, яқинда у "Янги аср авлоди" нашриётида китоб ҳолида чоп этилди.

Ҳаким Сатторий журналист сифатида матбуот ихлосмандларига яхши таниш. У чорак асрдан кўпроқ ижодий фаолияти давомида соҳанинг турли жанрларида ранг-баранг мавзуларда асарлар яратди. Ўз ижод намуналарини уч жилдлик ("Имзоли хатлар", "Маҳак тоши", "Вақт манзаралари") танланган бадиий публицистика ҳолида китобхонларга тақдим этди. Халқимизнинг бой тарихи, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар ҳаётига доир изланишларини "Ҳазрат Соҳибқирон" ва "Соҳибқирон абадияти" китобларида жамлади. "Соғинч" романи эса муаллифнинг бу жанрдаги дастлабки асаридир.

Асарда қайд қилинганидек, қишлоқнинг кўчирилиши "...шунчаки жўн иш эмасди, балки одамларга лиқ тўла кўчалар, таги кўтарилиб, болохонали қилиб қурилган уйлар, жаннатий боғлару ризқ-рўз оқиб ётган далаларнинг зеру забар қилиниши, шу билан бирга олис мозийдан бошлаб шаклланган хос маданиятнинг ҳам кунпаякун бўлиши эди". Ана шу ҳаёт ҳақиқати бадиий йўсинда қаламга олинар экан, муаллиф турли услуб ва шакллардан самарали фойдаланиб, воқеа моҳиятини очишга ҳаракат қилади. Ота-она ва ўғилдан иборат кичик оила атрофида кечган турфа гап-сўзлар, феъл-атвори, турмуш тарзи ўзига хос бўлган инсонлар ҳаёти тасвири, уларнинг "янги ватан"даги жонҳалак яшаш манзаралари орқали инсон умрининг қадри, мазмуни ҳақида мулоҳаза юритилади. "Ҳикоя ичида ҳикоя" усулида берилган кўплаб қизиқарли лавҳалар тоғликларнинг бетакрор қиёфасини тасаввур қилишга кўмаклашади. Ҳаёт лавҳалари шоирона руҳда, фалсафий мушоҳадаларга бой тасвирлар билан акс эттирилган асарда она, ота ва ўғил образлари етакчилик қилади. Қаҳрамонлар чўққиси осмон қадар тоғлар, кўз илғамас кенглик ва шаҳар издиҳомлари қозонида ўз мақсад-интилишлари учун курашадилар. Асарни ўқир экансиз, ундаги воқеалар сизни ҳам умр йўлларингизни қайта сарҳисоб қилишга ундаса, тириклик сабоқларини ёдга туширса, ажаб эмас.

Муаллифнинг айнан шу ҳаётнинг ичида яшагани, воқеаларни ўз бошидан кечиргани тасвирларнинг янада жонли чиқишини таъминлаган. Ўқувчи ҳар бир сатрда, иборада туғилган тупроққа, ота-онага, устозларга, табиатга алоҳида меҳр-ҳурматни ҳис этиб туради.

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ҚАЛБ ЯҚИНЛИГИ — БАХТИЁРЛИК НИШОНАСИ

Муҳташам тўйхонада қалблари оппоқ қўш кабутардек пириллаб турган ёшларнинг никоҳ тўйи нишонланмоқда. Тўкин дастурхон теграсидан жой олган меҳмонларнинг суҳбатлари қулоққа чалинади: "Қаранг, келин-куёв худди узукка кўз қўйгандек-а? Бахтли бўлишсин, илойим!"

Дарҳақиқат, даврага зеб бериб турган икки ёшнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати юз-кўзларида шундоққина акс этарди. Миллий либосларда, андишаю одоб ила қутловчиларга таъзим бажо келтираётган тўй сабабчиларининг бутун суврату сийратидан шарқона қадриятларимиз уфуриб турибди.

Сўрашмоқ учун ёнимга келган истараликкина аёлнинг овози хаёлимни бўлди:

— Ассалому алайкум, Малика опа, хуш келибсиз!

Кейин жилмайиб қўшиб қўйди:

— Мени танимадингиз-а? Бундан роппа-роса йигирма йил аввал никоҳимизни қайд қилиб, бахт кечамизда турмуш ўртоғим иккаламизга бир олам тилаклар билдирганингиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Мана, айтганларингиз ижобат бўлди, бугун фарзандларимизнинг никоҳ тўйини ҳам биргаликда нишонлаш бахти насиб этяпти.

...Эсимда, ўшанда туман ФҲДЁ бўлимида эндигина иш бошлаган кезларим эди. Чекка қишлоқдан никоҳдан ўтиш учун келган жуфтликка, рости, жуда ҳавасим келганди.

Ҳа, орадан қанча сувлар оқиб ўтди. Бу вақт ичида юзлаб келинкуёвларнинг бахтиёр онларига гувоҳ бўлдим. Уларнинг кўпчилиги оила аталмиш муқаддас қўрғонга содиқ қолиб, тақдирларидан ризо бўлиб умргузаронлик қилаётганларини кўриб қувонасан киши. Зотан, шундай бахтли оилалар туфайли ҳаётимиз файзли, жамиятимиз барқарор. Аммо, минг афсуски, эр-хотин ўртасидаги муқаддас иттифоққа хиёнат қилаётганлар ҳам учраб туради. Ўйлаб қарасам, инсонлардаги қалб яқинлиги, ўзаро бир-бирини тушуниб яшаш, меҳр-оқибат, кечиримлилик, ишонч, садоқат каби хислатлар боис бахтлар бардавом экан. Бундай хислатлар эса минг йиллар силсиласида сайқалланган кўҳна қадриятларимиз меваларидир.

Биз турли ҳамкор ташкилотлар кўмагида ана шу қадриятлар боқийлигини таъминлаш, ёшларни оилага тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида муайян ишлар олиб боряпмиз. Жумладан, бўлимимиз қошида ташкил этилган "Оила дорилфунуни"да "Қонуний никоҳнинг аҳамияти", "Тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзи", "Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари", "Никоҳ шартномаси", "Носоғлом оилавий муҳитнинг фарзанд тарбиясидаги салбий оқибатлари" каби ўнлаб мавзуларда суҳбатлар, семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги "Ёш оила қурувчилар мактаби" фаолияти ҳам диққатга сазовор.

Айниқса, биргаликдаги турмушларининг ўттиз, қирқ, эллик йиллик саналарини нишонлаётган оилалар соҳиблари билан учрашувлар ҳали турмуш остонасида турган ёшларга чин маънода ибрат мактаби бўлаётир. Ана шундай нуроний отахон ва онахонларимиз йигит-қизларга оила сабоқларидан ҳикоя қиладилар. Уларни бахтли яшаш сирларидан воқиф этадилар. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятни чуқур англаб етишига боғлиқ".

Малика МАТМУРОТОВА,
Боғот тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

МАВЗУГА ДОИР МУЛОҲАЗА

Болалар спортининг самараси чексиз

Болалар кўзимизнинг нури, қалбимизнинг қўри, ҳаётимиз давомчиларидир. Шу боис, ҳар бир ота-она фарзандини ҳам руҳан, ҳам жисман тетик, баркамол кўришни истайди ва бунинг учун нимаики лозим бўлса, барини муҳайё қилишга интилади. Аммо ҳамма нарсани ҳозиру нозир қилдик, деб ўйлаймиз-у, ўғил-қизларимизнинг соғлом ўсиши учун зарур бўлган бирор-бир спорт тўгарагига жалб қилиш ҳақида ҳар доим ҳам бош қотиравермаймиз. Ҳатто орамизда, болалар шундоқ ҳам кун бўйи югуриб-ўйнаб, тинимсиз ҳаракатда бўлади, шунинг ўзи ҳам жисмоний машқлар ўрнини босади, деб ҳисобловчилар топилади. Ваҳоланки, болаларимизнинг соғлом ўсишида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс.

Баъзан 4-5 яшар болакайнинг мураккаб акробатик машқларни бажарганига, унинг моҳирлиги, эпчиллигига қойил қоламиз ва ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас ила: "Бу зумрашанинг туғма истеъдоди бор экан-да, бўлмаса бу даражага етолмасди", — деб қўямиз. Теранроқ ўйлайдиган бўлсак, ҳар қандай истеъдод меҳнат билан юзага чиқишини англаб етамиз. Демак, ўғлимиз ё қизимизни ҳеч қандай ҳадикларсиз бирор-бир спорт тўгарагига олиб боришимиз маъқул. Фақат...

Хўш, болажонларимиз учун спортнинг қайси турлари хавфсизроқ? Бола неча ёшидан бошлаб спорт билан шуғулланса бўлади? Бунда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозим? Биз мутахассислар кўмагида ана шу саволларга жавоб излаймиз.

— Аслида, спортнинг барча турлари инсон танасини чиниқтириш, соғломлаштиришга мўлжалланган, – дейди пойтахтимиздаги "Чилонзор" болалар спорт мажмуаси директори Турсунбой Абдураимов. – Лекин ёш болаларга ҳар қандай спорт турини ҳар ким ўз билганича ўргатиши нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Чунки барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам ўзига яраша қоидалар, меъёрлар мавжуд. Масалан, стол теннисини оладиган бўлсак, унда тезкорлик, эпчиллик биринчи ўринда туради. Бу хусусиятларни шакллантириш учун турли масофаларга югуриш машқлари, албатта, олиб борилиши керак. Қолаверса, қўл мушакларини чиниқтириш учун тош кўтариш, қўлга таяниб ётиб-туриш машқлари лозим бўлади. Турникка тортилиш эса қўл, елка, бел, қуракларни чиниқтиради.

Ташқаридан қараганда, стол тенниси учун бу машғулотларнинг зарурияти йўқдек кўринади. Ҳақиқатда эса етук спортчи бўлиш учун кунига тўрт-беш соат шуғулланиш керак. Акс ҳолда, яъни стол теннисида катта жисмоний тайёргарлиги бўлмаган бола тез толиқиб қолади, ҳатто жароҳат олиши мумкин. Энг муҳими, теннис инсоннинг кўриш қобилиятини кучайтиради, юрак фаолиятини фаоллаштиради, умумий ҳаракатни ривожлантиради.

Шикастланишдан хавотирланиш масаласига келсак, бу чумчуқдан қўрқиб тариқ экмаслик билан баробар. Яна халқимизда асралган кўзга чўп тушар, деган гап ҳам бор. Масалан, футбол оғир атлетикага кирмайди, аммо энг кўп жароҳат олиш мумкин бўлган турлар сирасига киради. Шунга қарамай, футболда ҳамма аъзолар фаол ишлайди ва чиниқади.

Тағин бир гап. Кўриш қобилияти суст бўлган болалар учун бокс ва бошқа оғир спорт турлари жоиз эмас.

Соҳа билимдонининг фикрига қўшимча равишда айтиш мумкинки, фарзанд тарбиясида кечикиш ёмон оқибатларга олиб келгани сингари танланган спорт тури билан шуғулланишни ҳам имкон қадар эрта бошлаш талаб этилади. Акс ҳолда эса, суяклар қотиб, пайлар эгилувчанлик хусусиятини йўқотиб қўяди. Қийшиқ ўсган ниҳолни тўғрилаш осон бўлмаганидек, ўз ҳолича ривожланган инсон гавдасини бошқариш ҳам ниҳоятда қийин кечади.

Келинг, шу ўринда Юнусобод туманидаги "Саховат сервис" соғломлаштириш маркази мураббийи Шавкат Шерқуловнинг бу борадаги мулоҳазаларига эътибор берайлик:

— Уч ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болалар учун бадиий гимнастика, сузиш, акробатика, у-шу ва стол тенниси машғулотлари тавсия этилади. Ўн икки ёшдан ошганлар каратэнинг баъзи турлари, таэквондо, бокс, қўл жанги, муайтай билан шуғулланганлари маъқул.

Хитойдаги Шоуман монастирида азалдан болаларни жангга тушириш тақиқланган. Бу бежиз эмас. Чунки ҳар қандай спорт турида, айниқса, оғир атлетика ва яккакурашларда ўсмирларни тайёр бўлмаган ҳолда мусобақаларга чиқариш ярамайди.

Муайян спорт машғулоти болага нима беради? Унинг қандай тарбиявий аҳамияти бор? Ана шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Масалан, у-шу жанг санъати, аввало, фарзандларимизнинг руҳий оламини гўзал ҳиссиётлар билан бойитиб, мақсад сари ишонч билан олға интилишга ундайди. Бунда бировлар устидан ғалаба қозониш эмас, балки биринчи навбатда ўз-ўзини енгиб, хоҳиш-истакларини идора қилиш ўргатилади.

Мураббийнинг гапларидан спорт нафақат соғлик гарови, балки муҳим тарбия ўчоғи эканлигини ҳам англаш мумкин. Бинобарин, барча спорт турларининг муштарак тарафи бўлмиш умумий жисмоний тайёргарликнинг ўзиёқ ўз устидан назорат ўрнатишда муҳим ўрин тутади. Машқларни талаб даражасида бажара олган бола борган сари қийинчиликларни енгиб ўтишга кўникиб боради. Ана шу кўникмалар жамланиб мустаҳкам иродага айланади. Иродали инсон эса ҳаётдаги ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта олади. Шундай экан, келажагимиз ворисларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга жиддий ёндашиш лозим.

Шаҳзода ҲАКИМОВА,
«Hurriyat» мухбири

► ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАН

Замахшарий

Буюк мутафаккир ва тафсирчи олим деятан олинган Абдулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий 1075 йилнинг 19 мартида Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган.Аз-Замахшарийнинг ёзишича, ёшлигида отдан йиқилиб, бир оёғи майиб бўлгач, отаси унинг тикувчилик касбини эгаллашини истаган экан. Дастлаб отаси қўлида савод чиқарган ва жуда чиройли хуснихатга эга бўлган Аз-Замахшарий шаҳарга, яъни Кўҳна Урганч (Журҗон) мадрасасида таълим олишга қарор қилди. Кейинчалик Бухоро ва Хуросон илм даргоҳларида билим даражасини янада оширган.

Аз-Замахшарий ҳаёти давомида тинмай саёҳат қилган. Сайёҳ-олим Шарқ, хусусан, мусулмон мамлакатларини 1100-1122 ва 1127-1139 йилларда икки марта кезиб чиққан. Олим Хуросон, Эрон, Арабистон, Ироқ, Яман, Шом (Сурия)нинг Марв, Нишопур, Исфахон, Бағдод, Ҳижоз, Дамашқ ва Макка шаҳарларида бўлиб, асарлари учун бой манба тўплаган.

1109 йилда Аз-Замахшарий Бағдодга йўл олди. У ерда турли адабиётларни ўрганган ва мударрислик қилган. Бағдодда яшаган вақтида ислом оламининг таниқли олимлари билан ҳамсуҳбат бўлди. Бу унинг кейинги ижодига ўз таъсирини кўрсатган. Бағдодда бир фурсат яшагач, олим Маккага йўл олди ва Шом (Сурия), Арабистоннинг қатор шаҳарларида ва Яманда бўлган. Манбаларда ёзилишича, олим ўзининг кўплаб асарларини Маккада ёзган ва худди шу ерда буюк олим деб тан олинган.

Жумладан, дунё фани ривожига қўшган ҳиссасига эҳтиром сифатида Аз-Замахшарий "Жоруллоҳ", яъни "Аллоҳнинг қўшниси", "Устаз уд-дуня" — "Бутун олам устози", "Фахру Хварезм" — "Хоразм фахри" деган фахрли номларга сазовор бўлган.

1139 йилда олим ватани Хоразмга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган. Аз-Замахшарий Кўҳна Урганчда дафн этилган бўлиб, XIV асрда яшаб ўтган таниқли араб сайёҳи Ибн Батута ўзининг эсдаликларида Аз-Замахшарийнинг гумбаз томли мақбарасини ўз кўзи билан кўргани ҳақида ёзган.

Аз-Замахшарий сермаҳсул олим бўлиб, фаннинг турли соҳаларига оид элликка яқин асар ёзган. Шулардан йигирма бештаси бизгача сақланиб қолган. Тилшунисликка оид "Асос ал-балоға" ("Сўзга усталик асослари", "Чечанлик пойдевори"), ислом оламида унинг 1134 йилда Қуръони каримга ёзган шарҳларини (тафсир) ўз ичига олган "Ал-Кашшоф" асарлари жуда машҳур. "Ал-кашшоф" асари Қуръон тафсирига оид асарлар ўртасида энг мукаммал эканлиги шарқшунос ва арабшунос олимлар томонидан тан олинган. Шу боис мазкур асардан дунёнинг турли мамлакатлари дорилфунунларида дарслик сифатида ҳалигача қўлланиб келинмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, Аз-Замахшарий тилшунослик, адабиёт, география, тарих ва бошқа қатор фанларни чуқур ўзлаштирган қомусий олим бўлган. Фаннинг мазкур йўналишларида мактаб яратган олимнинг 200 дан ортиқ шогирди бўлган. Асарларини бевосита ўрганиб, илму фаннинг сирларини эгаллаган 100 дан ортиқ олимлар ўзларини ғойибдан Аз-Замахшарийнинг шогирди деб ҳисоблашган.

Тил ва адабиёт, тафсирга оид асарлар билан бир қаторда Аз-Замахшарий "Асмоу ал-адвия вал жибол" ("Водий ва тоғ исмлари") деб аталган машҳур географик асар ҳам ёзган. Китобнинг иккинчи номи "Китоб ал-амкина ва ал-жибол ва ал-мияҳ" ("Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақидаги китоб") бўлиб, олим уни ўзи бевосита ташриф буюрган шаҳарларда олиб борган кузатишларига асосланиб ёзган. Асар араб тилида ёзилган бўлиб, илк бор 1855 йилда Нидерландиянинг Лейден шаҳрида нашр этилган.

Аз-Замахшарийнинг мазкур китоби Арабистон ярим оролидаги шаҳарлар, қишлоқлар, мақбаралар, мачитлар, зиёратгоҳлар, тоғлар, водийлар, сув ҳавзалари номларининг изоҳи берилган муҳим топонимик қомус десак, хато бўлмайди. Асарнинг эътиборли томони шундаки, муаллиф географик номларни алифбо тартибида берган, уларнинг маъноси, жойларга нега шундай номлар қўйилганлиги ва шунга боғлиқ қатор қизиқарли ҳикояларни келтиради. Китобда Фаластин, Сурия, Ироқ ва Миср каби мамлакатларнинг номи тилга олиниб, улардаги шаҳарларга оид маълумотлар киритилган. Унда Ўрта Осиёдаги баъзи жой номлари учраса-да, лекин уларнинг изоҳи йўқ. Шунинг учун мутахассислар Аз-Замахшарийнинг ушбу географик асари тугалланмаган ёки охиригача таҳрир қилинмаган деб ҳисоблайдилар.

Ҳозиргача сақланиб қолган асарларининг умумий сони ва уларнинг аҳамиятига таянган ҳолда Аз-Замахшарийни нафақат исломшунос олим, балки Шарқ географиясининг ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган географ ва сайёҳ-олим деб айтиш мумкин.

"Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар" китобидан олинди.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!

AGROBANK

Биз билан келажак сари



- Сўм ва АҚШ долларида юқори фоизли омонатлар
- Visa ва Online тизимидаги ишончли пластик карталар
- Дунёнинг исталган мамлакатидан пул ўтказмалари
- Оилангиз учун барча турдаги кредитлар

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

ТАДБИРКОР ОИЛАЛАР ХИЗМАТИДА

Реклама

MIKROKREDITBANK

Бугунги кунда мамлакатимизда оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки қарийб олти йиллик фаолияти давомида ҳар бир оиланинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўз бизнесини бошлаши учун микромолиявий хизматлар кўрсатиш борасида фаол иш юритмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури бажарилишини таъминлаш мақсадида банк томонидан эришилган натижалар қувонарли. Жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар миқдорини 202,8 миллиард сўмга етказиш мўлжалланган. Кредитлар ажратилишида тармоқ ва ҳудудий дастурларга киритилган ҳамда янги иш ўринлари яратиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 257,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан имтиёзли микромолиявий хизматлар миқдори 147,7 миллиард сўмга етказилди. Мазкур сармоялар ҳисобига 80 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Келинг, таҳлилимизни оилалар, хусусан, ёш оилаларга қаратилаётган эътибор билан давом эттирамиз. Банк томонидан ўтган даврда 1529 та ёш оилага 13,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Оилавий бизнес ёки оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишни, фаолиятини ривожлантиришни мақсад қилганлар учун салкам 18,5 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Тадбиркорларнинг пишиқ-пухта бизнес режаси самараси 5 минг 130 та янги иш ўрни ташкил этилганида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар миқдори кам бўлса-да, улардан фойдаланаётган мижозлар сони юқори ҳисобланади. Жумладан, биргина банкнинг имтиёзли микромолиявий хизматларидан фойдаланаётган мижозларнинг 56 фоизини айнан кичик миқдордаги бошланғич сармоядан фойдаланаётганлар ташкил этади.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, банк "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партияси билан ҳамкорликда "Диплом билан бизнес-га" номли ўқув-семинарларини ташкил этиш бўйича қўшма қарор имзоланган. Унга кўра ўтказиладиган тадбирларнинг амалдаги самараси сифатида банк бевосита келгусида ёшларнинг ўз бизнесларини ташкил этиш масъулиятини тўлиқ зиммасига олади. Худди шундай йўналишда олиб борилаётган ишлар Халқ демократик партияси билан ҳам ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Республика Савдо-саноат палатаси, ЎзЛиДеП, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Марказий банк билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва қулай бизнес муҳитни яратиш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида "Бир тадбиркор — учта ҳамкор" акциясини ўтказиш бўйича ҳам қўшма қарор имзоланди.

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан биргаликда ўтказилаётган "Банк ва коллеж ҳамкорлиги" лойиҳаси ҳам ўзининг долзарблиги билан аҳамият касб этади. Ундан кўзланган мақсад 2011-2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун бошланғич сармоя микрокредитлар ажратишдир. Лойиҳа доирасида вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари эгаллаган касб-ҳунари бўйича тадбиркорлик қилиш ниятидаги ёшларнинг манзилли рўйхатини тақдим этиши, уни банк ўз вақтида ўрнатилган тартибда кўриб чиқиши ва молиялаштириши лойиҳанинг асосий моҳиятини ташкил этади. Ушбу мақсад йўналишида 2012 йилда ажратиладиган кредитлар миқдори ўтган йилга нисбатан 1,2 баробарга оширилиб, 6,1 миллиард сўмга етказилиши кўзланган.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан, айнан эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган йигит-қизларимизга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш бўйича прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, 2012 йил давомида 6,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли бошланғич сармоя микрокредити ажратилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг битирувчи курс ўқувчилари ўртасида тадбиркорликни йўлга қўйиш борасида банк томонидан кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар бўйича семинарлар ташкил этиш, уларни банк хизмат кўрсатиш турлари ва кредит амалиётларини тўлиқ ёритиб берадиган кўргазмали материаллар билан таъминлаш ҳамда келгусида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги ёшларга бошланғич сармоя микрокредитлари ажратишда амалий кўмак бериш белгилаб олинди. Касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ёшларни эгаллаган касблари бўйича тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида битирувчи ёшларга 7,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Ана шундай имтиёзлардан фойдаланган тадбиркорлардан бири 19 ёшли Паризод Тўхтошевадир. У ўтган йили Хўжаобод туманидаги касб-ҳанар коллежини тамомлаб, ўқиш давомида ўрганган қандолатчилик ҳунарини амалиётга жорий қилди ва кичик цех ташкил қилди.

— Кўпчилик тенгдошларим сингари мен ҳам келгусида қайси корхонага ишга кирсам экан, деб юрган кунларимнинг бирида коллежимизда "Диплом билан бизнесга" номли семинар ўтказилди, — дейди Паризод. — Семинарда "Микрокредитбанк" ходимлари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш, бунинг учун яратиган имкониятлар ҳақида батафсил тушунтириб беришди. Айниқса, банк томонидан ниҳоятда кам фоизли микрокредитлар ажратилаётгани кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Шундан сўнг бу каби семинарлар коллежимизда яна бир неча бор ўтказилди. Баҳс-мунозаралар асосида тадбиркорликни бошлаш, бизнес режа тузиш тартибини ўрганиб олдим. Дипломни қўлимга олган кунимоқ қандолатчиликни бошлаш мақсадида ўзим билган "Микрокредитбанк"ка бордим. Тез орада йиллик 3 фоизли 1 миллион 600 минг сўм микрокредит ажратишди. Бу маблағга қандолатчилик учун керак бўлган печ ва жиҳозларни харид қилиб, синглим билан ишни бошлаб юбордик. Натижа эса кутганимдан ҳам яхши бўлди. Маҳсулотларимизга савдо шохобчаларидан буюртмалар кела бошлади. Шунинг учун яна тўрт нафар дугонамни ҳам ишга жалб қилдим. Даромадларимиз чакки эмас. Ҳозирда фаолиятимни янада кенгайтиришни режалаштираяпман.

Тадбиркор аёллар банкнинг асосий мижозлари ҳисобланади. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 28,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди ва 12 минг 371 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида кредитлашда таъминот билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги инобатга олиниб, шунингдек, хотин-қизларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида янги таъминот турлари, жумладан, гуруҳ кафиллиги, яъни кредит олувчиларнинг бир-бирига ишончи ҳамда жисмоний шахслар кафиллиги асосида кичик миқдордаги микросармоялар ажратиш амалиёти ўз самарасини бермоқда.

Қизилтепа туманидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ҳалима шуҳрати" хусусий корхонаси икки йил аввал ўз фаолиятини бошлаган эди. Бугунга келиб корхонада 25 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

— Ўтган йил бошида корхонага банк томонидан 45 миллион сўмлик микросармоя ажратилиши биз учун айни муддао бўлди, — дейди корхона раҳбари Руқия Бақоева. — Бу сармояга замонавий тикув машиналарини олиб келдик. Айни пайтда корхонамизда аёллар ва эркаклар либослари, мактаб формалари, қурилиш ташкилотлари учун ишчи кийимлари ва футболкалар тикилмоқда. Замонавий тикув машиналари билан иш ҳажми, буюртмалар миқдори ўсишига эришилди. Бу эса тикувчиларимизнинг иш ҳақлари ошишини таъминлаяпти.

Аёллар тадбиркорлигига йўналтириладиган микромолиявий хизматлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида "Шарқ аёли" ва "Аёллар Кенгаши" республика жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда аёл тадбиркорларни манзилли қўллаб-қувватлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар ҳамда хомашё ва материаллар сотиб олиш учун 36,4 миллиард сўм кредитлар ажратилди. Шунингдек, "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб-чиқарилишини кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор ижроси бўйича ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуналар сотиб олиш учун ажратилган кредитлар миқдори 31,4 миллиард сўмни ташкил этди. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис объектларини ишга тушириш дастурига кўра 16,7 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қудратли яратувчи кучга айланди. Зеро, соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор таг замирида ҳеч кимдан кам бўлмаган мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ишлаб чиқаришда барқарорликка эришиш ҳамда оилаларимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Бу йўлда "Микрокредитбанк" ўз микросармоялари билан эртанги кунга ишончи баланд тадбиркор юртдошларимиз учун доимий даромад манбалари яратишга хизмат қилади.

Дилфуза АВЛОҚУЛОВА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, фахрий журналист **Бозор ЭРҚОРОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:

Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

9 772010 752002 >

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Шаҳзода ҲАКИМОВА

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 20 00

Адади: 6457 Буюртма — Г-955 1 2 3 5